

«ЎЗИГА ТЎҚ ОДАМНИНГ «КЎЛИ ЭГРИ» БЎЛМАЙДИ»



«НЕГА ҲАР БИР МАҲАЛЛАНИНГ ЎЗ ВЕБ-САЙТИ МАВЖУД ЭМАС?»



«АВВАЛЛАРИ ШАҲАРДА ЯШАСАК-ДА, УЯЛАРДИК...»



«СЕРИАЛЛАР ОИЛАЛАРНИ ПАРОКАНДА ҚИЛЯПТИ...»



НЕГА БАРЧА МАҲАЛЛАДА ИЖТИМОЙ ХОДИМЛАР ИШ БОШЛАМАДИ? 3

«РАИС РОЗИЛИК БЕРГАЧ, ХОДИМ ТАЪТИЛГА ЧИҚСА...» 7

Маҳалла

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ,
МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ
ГАЗЕТА

#40 (2126) | ШАНБА, 7 ОКТЯБРЬ 2023 ЙИЛ

WWW.UZMAHALLA.UZ



«МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ»: ИЖТИМОЙ ҶИМОЯДА МУАММОЛАР ҚАНДАЙ АНИҚЛАНАДИ? 3

ҲУРМАТЛИ МАҲАЛЛА РАИСЛАРИ!

ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ РАИСЛАРИНИНГ
ҲАҚИҚИЙ МИНБАРИ, ОШКОРА МУЛОҚОТ МАЙДОНИ
БЎЛГАН «МАНАЛЛА» ГАЗЕТАСИ ВА «МАНАЛЛА КО'ЗГУСИ»
ЖУРНАЛИГА 2024 ЙИЛ УЧУН ОБУНА БЎЛИНГ!

ҲАР ИККАЛА НАШРНИНГ ЙИЛЛИК ОБУНА НАРХИ
ЎЗГАРИШСIZ ҚОЛДИРИЛДИ:

«МАНАЛЛА» ГАЗЕТАСИ – 600 000 СЎМ;

«МАНАЛЛА КО'ЗГУСИ» ЖУРНАЛИ – 400 000 СЎМ.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:

71 233 39 89, 71 233 10 92, 97 146 02 07

Маҳалла институтининг жамият ҳаётида тутган ўрни

ПОЙТАХТИМИЗДА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА БАНДЛИК ВАЗИРЛИГИ ТАШАББУСИ БИЛАН АНА ШУ МАВЗУГА БАҒИШЛАНГАН ХАЛҚАРО ФОРУМ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ



Халқаро форумда вазирлик масъуллари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Жаҳон банки, UNICEF ва БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси вакиллари иштирок этди. Тадбирда маҳалла институтининг жамият ҳаётида тутган ўрни амалий ишлар мисолида таҳлил этилди, мазкур институтни янада такомиллаштириш борасида олиб борилаётган ишлар, хорижий тажрибалар ҳақида маълумотлар берилиб, ўзаро тажрибалар алмашилди.

Рустам ЮСУПОВ.

— Президент Шавкат Мирзиёев раислигида «маҳалла-бай» ишлаш тизимини янада кучайтириш масалалари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида «маҳалла бешлиги» тизими ўз самарасини бераётгани қайд этилиб, эндиликда маҳалла бошқаруви янги ёндашувлар асосида амалдаги «бешликка» солиқчи ва ижтимоий ходим ҳам қўшилиб, биргалликда «маҳалла еттилик» ташкил қилинишини таъкидлаб ўтди, — деди Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ўринбосари Раъно Турдибоева. — Қайд этиш жоизки, мазкур видеоселектор йиғилишида «Маҳалла еттилик»нинг вазибалари аниқ белгилаб берилиб, маҳалланинг ваколат ва масъулияти янада кенгайтирилди. Қолаверса, «Ўзбекистон – 2030» стратегияси

да 2024 йил 1 январдан бошлаб, босқичма-босқич барча шаҳар ва туманларда «Маҳалла бюджетни» тизими жорий этилиб, туман ва шаҳар бюджетларига тушадиган солиқ тушумларининг бир қисми маҳаллаларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал қилиш жамғармаларига жалб этилади. Бундан ташқари, «Ташаббусли бюджет» амалиётини ва маҳаллаларнинг молиявий мустақиллигини кенгайтириш учун Давлат бюджетидан 10 триллион сўм, шундан «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари учун камида 4 триллион сўм миқдорида маблағлар йўналтирилмоқда. Бу ҳам бўлса, маҳалла институтини жамият ҳаётида тутган ўрнини янада мустақамлашга, унинг мавқеи юксалишига хизмат қилади.

Форумда сўз олган Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг

ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси раиси Шўхрат Бафаевнинг таъкидлашича, сўнгги 6 йилда соҳа фаолиятига оид жами 85 та, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 7 та Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21 та Фармон ва Қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 57 та қарор ва фармойишлари қабул қилинган. 60 дан ортиқ қонунчилик ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган.

Фуқароларнинг маҳалла ҳаётидаги иштирокини кучайтириш, ижтимоий-сиёсий фаолликларини ошириш, фуқаролик жамиятининг таянч устуни ва чинакам халқлик тузилмаси бўлган маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлашда халқаро ҳамжамият билан ҳамкорликни кенгайтириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Шу боис соҳага оид хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларини умумлаштириш ҳамда маҳалла институти фаолиятини такомиллаштириш, долзарб вазибаларни ҳал этишда ушбу ноёб тузилманинг роли ва аҳамиятини кучайтириш форумнинг асосий мақсади сифатида қайд этилди. Бу борда Ханс Зайдель жамғармасининг Ўзбекистондаги

ваколатхонаси офиси раҳбари Жавҳар Дўстовнинг Германия тажрибаси ҳақидаги тақдироти кўпчилиқда қизиқиш уйғотди.

Таъкидланишича, Германияда маҳалла институтига ўхшаш «Гемайдени» деган тузилма бор. Дастлаб Германияда 1965 йил 7000 та Гемайдени (маҳалла) бўлган бўлса, кейинчалик 2031 тага камайган. Гемайденининг ўз бюджети бўлиб, у маҳаллий солиқ тушумлари ҳисобига шакллантирилади. Шунингдек, ўз маҳалласи доирасида қарор қабул қилиш, назорат ва озодалик масалаларига жавоб беради. Кези келганда чора кўриши ҳам мумкин. Ўз бошқарувидаги ходимлар сони, штатлар жадалини ўзи мустақил ҳал қилади.

Унинг функционал вазибалари қуйидагича:

- ўз маблағлари ҳисобига ва ўз жавобгарлиги остида мустақил тадбирлар ташкил қилади;
- маҳалла ташкилотчилигини олиб боради;
- хусусий корхоналарни қўллаб-қувватлайди;
- маҳалла фаолиятини мустақил ташкил қилади;
- маҳаллалараро ҳамкорлик қилади;

— маҳаллада волонтерлик асосида фаолият юритаётган уюшмаларни қўллаб-қувватлайди.

Германияда ушбу тузилма давлат томонидан қўллаб-қувватланиб, масъул идоралар томонидан (молия, ссуда ва субсидия масаласида) консультация берилди.

Халқаро форум икки қисмдан — «Маҳалла бошқарувида жамоатчиликнинг ролини ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартириш масалалари» ҳамда «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойилини жорий этиш, оила институтини мустақамлаш ва баркамол авлодни тарбиялашда маҳаллаларнинг ўрни» мавзусида пленар сессияларда давом этди. Унда «Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, инфратузилмани яхшилашда фуқаролар йиғинларининг ролини ошириш», «Обод хонадон», «Обод кўча» ва «Обод маҳалла» мезонларини жорий этиш», «Маҳаллада ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояга муҳтож ёшлар, хотин-қизлар, кекса нуронийлар, ногиронларни қўллаб-қувватлаш, кўрсатилаётган ижтимоий хизматлар қўламини кенгайтириш», «Маҳаллада тинчлик, миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш», «Ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда маҳаллалардаги Хотин-қизлар фаолларининг роли» ҳамда «Маҳалла – фуқаролик жамиятини шакллантириш ва жамоатчилик назоратининг асосий иштирокчиси» мавзулари муҳокама қилинди.

Форумда маҳалла институтининг жамият ҳаётида тутган ўрни ҳамда ушбу ноёб тузилманинг ривожланишини қўллаб-қувватлаш бўйича Ўзбекистон тажрибасини хорижий мамлакатларда тарғиб этиш орқали маҳалланинг нафақат фуқаролик жамиятининг асоси, балки демократиянинг ноёб институти экани намоён қилинди.

Форум якунида маҳалла институтини янада такомиллаштиришнинг яқин ва узоқ йилларга мўлжалланган истиқболли режалари ишлаб чиқилди ҳамда хорижий давлат вакиллари ва Ўзбекистон томони ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти борасида ўзаро тажриба алмашишга келишиб олишди.

МАЪЛУМОТ

Микромарказлар учун жойлар аукцион орқали берилади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 июлдаги «Маҳаллаларда sanoat, хунармандчилик, касаначилик ва чорвачилик микромарказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан жами 421 та маҳаллада юридик шахс мақомига эга sanoat, хунармандчилик, касаначилик ва чорвачилик микромарказлари давлат мулки объектлари ва ер участкаларида ташкил этилиши белгиланган.

Қарорга кўра, тадбиркорларга микромарказлар учун жой электрон онлайн-аукцион орқали 5 йил муддатга ижарага берилди. Бунда ўз маблағлари ҳисобидан объектни реконструкция қилиш ёки капитал таъмирлаш ёхуд ер участкасида бино-иншоотларни қуриш, микромарказда sanoat, хунармандчилик, касаначилик фаолият йўналишлари бўйича камида 10 та ёки чорвачилик йўналиши

бўйича камида 3 та иш ўрнини яратиш ва таъминлаб бориш шартларини қабул қилишлари талаб этилади.

Фойдаланишга топширилган кундан 3 йил муддатга ташкил этилган микромарказ объектлари ва улар жойлашган ер участкалари бўйича юридик шахслардан олинандиган ер солиғи ва мол-мулк солиғи учун солиқ ставкаси 50 фоиз миқдоридан қўлланилади.

Қарор талабларидан келиб чиқиб, «e-auction.uz» электрон савдо платформасида давлат мулки объектлари ва ер участкаларини микромарказлар фаолиятини ташкил этиш учун ижарага бериш мақсадида алоҳида модуль ишлаб чиқилган. 61 та давлат мулки объекти ҳамда 522 та ер участкалари савдога чиқарилиши таъминланди.

Бошланғич нархи 145,4 миллион сўм бўлган 32 та

давлат объекти 796,9 миллион сўмга сотилган бўлса, бошланғич нархи 2,7 миллиард сўмлик 219 та ер участкаси 6,7 миллиард сўмга сотилди.

Ҳозирги пайтда микромарказлар ташкил этиш учун 29 та давлат объекти ҳамда 303 та ер участкалари савдога турибди. Тадбиркорлар «e-auction.uz» порталидан рўйхатдан ўтган ҳолда уларни ижарага олиши мумкин.

«Маҳалла еттилиги»: ижтимоий ҳимояда муаммолар қандай аниқланади?

Хар қандай инсон қайсидир вазиятда кимнингдир ёрдамига эҳтиёж сезади. Айниқса, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли вакиллари доимий қўллаб-қувватлаш зарур. Бугунгача бу борада ўзига хос тизим йўлга қўйилиб, «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали бундай тоифадаги шахсларга нафақа, моддий ёрдам ажратиш ва бошқа кўмак турлари кўрсатиб келинмоқда. Куни кеча имзоланган Президент қарори билан эндиликда соҳада янги тартиблар белгиланди.

Санжар ИСМАТОВ.

Ҳап шундаки, давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 28 сентябрдаги «Аҳолига ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар кўрсатиш тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, ижтимоий ҳимояни маҳалла даражасида ташкил этиш, ижтимоий хизмат ва ёрдамларни комплекс ёндашув асосида кўрсатиш, аҳолининг оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолишининг олдини олиш, шунингдек, ижтимоий ҳимоянинг манзиллилиги ва самарадорлигини ошириш бўйича тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Қарорга кўра, **2023 йил 15 октябрдан** бошлаб, дастлаб 28 та туман (шаҳар)да эксперимент тариқасида Президент ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг «Инсон» ижтимоий хизматлар марказлари ва **ижтимоий ходимлар гуруҳлари кўрсатидиган ижтимоий хизматлар ва ёрдамларнинг янги тизими йўлга қўйилади.** Бунда оғир аҳволга ту-



шиб қолган ва оғир аҳволга тушиб қолиш хавфи юқори бўлган шахслар ва оилаларга бевосита маҳалла даражасида **комплекс ёндашув асосида профессионал ижтимоий хизматлар кўрсатилади.** Уларнинг эҳтиёжлари ва мавжуд имкониятларини баҳолаш орқали **индивидуал тартибда ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар кўрсатиш режалари ишлаб чиқилади.**

2023 йил 15 октябрдан бошлаб, талабгорларни ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи ёки ёлғиз кекса ва ногиронлиги бўлган **шахс деб эътироф этиш** ёки **бекор қилиш**, шунингдек, ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар рўйхатига киритиш (ундан чиқариш) «Инсон» ижтимоий хизматлар марказларининг қарорига асосан амалга оширилади. «Инсон» ижтимоий хизматлар марказлари директорларига муайян яшаш жойига эга бўлмаган ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини Агентлик ҳузуридаги уй-жой фондига эга бўлган муассасаларга **олти ой муддатгача вақтинча рўйхатдан ўтказиш** ҳуқуқи берилади.

Ҳужжатга кўра, **2024 йил 1 январдан** бошлаб, барча туман

(шаҳар) давлат хизматлари марказларида алоҳида **«Ижтимоий хизмат дарчалари»** ташкил этилади. Улар орқали ижтимоий хизматлар ва ёрдам кўрсатиш учун аризалар қабул қилиш имконияти яратилади. **2023 йил 1 декабр**га қадар «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» АТга «Меҳр дафтари», «Саховат ва кўмак», «Ёшлар даф-

тари» ва «Аёллар дафтари» ахборот базалари, шу жумладан, ушбу дафтарларга киритилган фуқаролар ҳамда уларга тайинланган тўловлар тўғрисида маълумотлар интеграция қилинади.

2024 йил 1 январга қадар «маҳалла еттилиги» томонидан ягона саволнома асосида маҳаллада ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли муаммоларини аниқлаш тизими йўлга қўйилади. Оғир аҳволга тушиб қолган ва оғир аҳволга тушиб қолиш хавфи юқори бўлган аҳоли тоифаларини аниқлаш юзасидан Ҳукуматга таклифлар киритилади. Давлат томонидан ижтимоий хизмат ва ёрдамлар кўрсатишда **ижтимоий хизматлар кўрсатиш шартномасини тузиш амалиёти жорий этилади.**

Шу билан бирга, ногиронлиги бўлган болаларни таълимга жалб этиш, санаторийларга йўланма беришнинг очиқлигини таъминлаш, ногиронликни белгилаш тартибини такомиллаштириш, шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли манфаатини кўзлаб **судга киритилган аризалар бождан озод қилинади.** Ички ишлар органларининг муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш марказларида **алоҳида вақтинчалик бошпаналар (иелтерлар)** фаолияти йўлга қўйилади.

Умуман олганда, Президент қарори асосида ижтимоий хизматлар тизимли равишда маҳалла даражасида кўрсатилади. «Маҳалла еттилиги» ҳудуддаги қайси оила ёрдамга муҳтож, унга қандай кўмак кўрсатиш зарурлигини аниқлаб, ёрдам кўрсатиш чораларини кўради. Ижтимоий хизматларни «Бир дарча» тамойили асосида бир жойнинг ўзида кўрсатиш имконияти яратилади. Хуллас, эндиликда кўмакка муҳтож кишиларнинг ҳужжат кўтариб, сарсон бўлишига чек қўйилади, тегишли ёрдам уларнинг уйига келган ҳолда кўрсатилади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Нега барча маҳаллада ижтимоий ходимлар иш бошламади?

Жумабой РАҲМОНҚУЛОВ,
Боёвут туманидаги
«Навбахор» маҳалласи раиси:

— Маҳаллаларда «Инсон» ижтимоий хизматлар марказлари ва ижтимоий ходимлар фаолияти йўлга қўйилмоқда. Аммо **1 октябрдан бизнинг туманда атига 2 та маҳаллада шу тизим ташкил этилди, холос. Нима учун барча маҳаллаларда ижтимоий ходимлар фаолият бошламади?**

Дилфуза СОДИҚОВА,
Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги
ахборот хизмати раҳбари:

— Дарҳақиқат, Президентнинг «Аҳолига ижтимоий хизмат ва ёрдамлар кўрсатиш тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори билан ушбу янги тизим фаолияти тартибга солинди. Жумладан, Ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар дастлаб йўлга қўйилмаган туманлар (шаҳарлар) рўйхати тасдиқланди. Яъни бу туман(шаҳар)ларда **2023 йил 1 октябрдан** бошлаб эксперимент тариқасида «Инсон» ижтимоий хизматлар марказлари ва ижтимоий ходимлар фаолияти йўлга қўйилди.

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 2 тадан туман(шаҳар)лар танлаб олинди. Жумладан:

Қорақалпоғистон Республикасида — Беру-

ний ва Хўжайли туманлари;
Андижон вилоятида — Андижон шаҳри ҳамда Хўжаобод тумани;
Бухоро вилоятида — Қоракўл ва Пешку туманлари;
Жиззах вилоятида — Бахмал ва Ғаллаорол туманлари;
Қашқадарё вилоятида — Қарши ва Деҳқонобод туманлари;
Навоий вилоятида — Конимех тумани ва Навоий шаҳри;
Наманган вилоятида — Косонсой ва Чуст туманлари;
Самарқанд вилоятида — Пахтачи тумани ва Каттакўрғон шаҳри;
Сурхондарё вилоятида — Термиз шаҳри ва Узун тумани;
Сирдарё вилоятида — Ховос тумани ва Гулистон шаҳри;
Тошкент вилоятида — Янгийўл ва Тошкент туманлари;
Фарғона вилоятида — Данғара тумани ва Фарғона шаҳри;
Хоразм вилоятида — Урганч ва Янгибозор туманлари;
Тошкент шаҳрида — Олмасор ва Мирзо Улуғбек туманларида жорий йил 1 октябрдан белгиланган йўналишдаги ходимлар иш бошлади.
2024 йил 1 январдан эксперимент натижаларига асосан, ижтимоий хизмат ва ёрдамлар кўрсатиш тизими республиканинг барча туман(шаҳар)ларида тўлиқ жорий этилади.

БИЛАСИЗМИ?

Коллежда ўқиётган қизларга давлат гранти ажратилади

Ҳукумат қарори (516-сон, 29.09.2023 й) билан «Коллеж ва техникумларда қурилиш, транспорт, коммунал, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги касб (мутахассислик) бўйича таълим олаётган хотин-қизларнинг тўлиқ давлат гранти асосида таълим олиш тартиби тўғрисида»ги низом қабул қилинди.

Низомга кўра, коллеж ва техникумларга ўқишга қабул қилинган хотин-қизлар учун талаб этиладиган давлат гранти маблағлари республика бюджетидан бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида тизимида коллеж ва техникумлар бўлган тегишли вазирилик ва идораларга ажратилади.

Коллеж ва техникумларга тегишли йўналишлар бўйича тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинган хотин-қизларнинг тўлиқ давлат гранти асосида ўқиш учун ариза билан мурожаат қилади. Аризалар тааллуқлилиги бўйича коллеж ва техникумлар томонидан 3 иш кунида кўриб чиқилади ҳамда умумлаштирилган ҳолда, ҳудудлардаги олий таълим, фан ва инновациялар бошқармаларига тақдим этилади.

Ҳудудий бўлинмалар ҳар йили 15 октябргача умумлаштирилган маълумотларни кўриб чиқади ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазириликга юборади. Вазирилик ҳар йили 20 октябргача умумлаштирилган маълумотлар асосида давлат гранти асосида ўқиш учун ариза билан мурожаат қилган хотин-қизлар рўйхатини тааллуқлилиги бўйича тизимида коллеж ва техникумлар бўлган вазирилик ва идораларга тақдим этади.

Вазирилик ва идоралар мазкур рўйхат асосида хотин-қизларнинг давлат гранти асосида таълим олишлари учун зарур маблағ ажратиш юзасидан ҳар йили 25 октябргача Иқтисодиёт ва молия вазирилик ва молия вазирилик 5 иш куни ичида тегишли маблағларни мазкур вазирилик ва идораларга ажратади.



«Ён-атрофдагилар ҳавас билан қарашяпти»

Маҳалламизда 3 550 нафар аҳоли истиқомат қилади. Асосий «драйвер»имиз — хунармандчилик. Охириги хатловда 78 нафар ишсиз рўйхатга олинган эди. Ҳозирда уларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида 7 нафарига субсидия олишида кўмаклашдик. Қолган фуқароларни ҳудуддаги тадбиркорлик субъектларига ишга жойлаштиряпмиз.



Зоҳиржон КАРИМОВ,
Фурқат туманидаги
«Чиркай» маҳалласи раиси.

Маҳалламизда 30 нафардан ортиқ тадбиркор бор. Яна бир қувонарли ҳолат — йил охиригача фаолиятини тўхтатиб қўйган «Антекс» тикувчилик корхонаси қайта иш бошлаяпти. Тахминан 500 та иш ўрни яратилиши кутляпти.

Қолаверса, кўчаларимиз обод ва кўркамлашиб боряпти. Яшаш учун қулай ва замонавий шароитлар яратилляпти. Яқингача маҳалламиз инфратузилмаси ҳавас қиларли даражада эмасди. Йўллар абор, шароит ачинарли ҳолатда эди. «Оғир ҳудуд» тоифасига киритилгандик.

Бугун ён-атрофдаги маҳаллалар бизга ҳавас билан қарамоқда. Сабаби — Республика ишчи гуруҳи маҳалламизда ўрганишлар олиб борди, «Обод хона-

дон», «Обод кўча» ва «Обод маҳалла» мезонлари асосида маҳалла инфратузилмасини яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди. Ҳозирда аҳоли бандлигини таъминлаш, «оғир ҳудуд» тоифасидан чиқариш бўйича кенг қўламли ишлар бошлаб юборилди. 11,2 км. кўчани асфальтлаш, 4 та янги трансформатор ўрнатиш, 250 та эски симёғочларни таянч устунларга алмаштириш, 6 км. сув тармоғини тортиш, 4 та сув минорасини таъмирлаш ва 2 та янги минора куриш ишлари режалаштирилган. Ҳозиргача 1 км. ички кўча асфальтланди. 3 км. дан ортиқ ичимлик сув тармоғи тортилди. 71 та янги таянч устунлар ўрнатилди.

Айтиш керакки, маҳалламиз кенг қўламли яратувчанлик, бунёдкорлик ҳудудига айланган. Лойиҳага кўра, тиббиёт пункти, жамоатчилик маркази, давлат-хусусий шерикчилик асосида оталар

чойхонаси, нуронийлар маскани барпо этиш мўлжалланган. Ҳозирда бу йўналишлардаги ишлар бошланиб, бино ва иншоотлар пойдевори учун жой ҳозирлашга киришилди. Аҳоли тураржойларининг кифаси ҳудуднинг бўлғуси манзарасига монанд тарзда ўзгармоқда. Фуқароларнинг яшаш уйлари, кўп қаватли турар жойларни таъмирлаш, тоифаларга ажратилган ҳолда амалга оширилмоқда. Қувонарлиси, бу ишлар аҳоли ташаббуси ва ҳашар йўли билан бажарилмоқда. Хонадон эгалари билан биргаликда 523 та хонадоннинг 372 таси таъмирлаб бўлинди.

Шунингдек, эски кўчалардаги ариқ ва зовурларни тозалаш, янги йўлақлар бунёд этиш, муқаддас зиёратгоҳларни ободонлаштириш, кўприклар куриш, кўчаларга видеокузатув мосламаси ўрнатишга алоҳида эътибор берилмоқда. Лойиҳалардаги ишларга туман, вилоят, республика бюджетидан жами 21 миллиард сўм маблағ ажратилган.

Ўтган йили болалар боғчаси таъмирланиб, кўшимча бино қурилганди. Эндиликда 8-мактаб учун 540 ўринли кўшимча бино ва спорт зали барпо этилди. Биргина спорт залини куришга 7 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди.

Албатта, бу ишлар маҳалла аҳли кайфиятига ижобий таъсир кўрсатиб, уларнинг қалбида шукроналик ҳиссини уйғотмоқда.

БАНДЛИК

«Тадбиркорлар сони ортса, иш ўрни ҳам кўпаяди»

Йиғинимиз туман марказидан 18 километр узоқликда жойлашган. 512 та хонадонда жами 2 653 нафар аҳоли истиқомат қилади. Аҳоли асосан деҳқончилик ва чорвачилик ортидан рўзғор тебратди, улар қуради, тўйлар қилади.



Айдар Тўлабоев,
Ўрта Чирчик туманидаги
«Бешбой» маҳалласи раиси.

Маҳалламизда тадбиркорлик субъектларининг сони кўпайгани ҳисобига 20 та янги иш ўринлари яратилди. Ҳоким ёрдамчиси тавсия асосида ажратилган имтиёзли кредитлар эвазига ишсизлар ишли бўляпти, тадбиркорлар фаолиятини кенгайтирмоқда. Маҳаллада йил бошида ўтказилган хатлов натижасида 19 нафар ишсизлар аниқланган бўлса, бугунга келиб уларнинг 4 нафари қолди ҳолос. Уларни доимий ва ҳақ тўланадиган ишларга жойлаштиришни режа қилиб турибмиз.

Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилди. Жумладан, жорий йил биринчи чорагида 12 нафар фуқарога 410 млн. сўм имтиёзли кредит маблағлари ажратилиб, 18 та янги иш ўринлари яратилди.

Бешбой кўчасида истиқомат қилувчи Зумрад Жўраева 33 млн. сўм имтиёзли кредит ҳисобига қурилган кичик овқатланиш шохобчасидан мўмайгина даромад топяпти. Шу билан бирга, у 5 нафар маҳалладошларини доимий иш билан таъминлаган.

Ушбу кўчада яшовчи тадбиркор Нуркен Керимбоев маҳалла ҳудудида сутни қайта ишлаш цехини

ташкил қилиб, йиғиндаги 7 нафар хотин-қизни ишли қилди. У етказиб бераётган сут ва сут маҳсулотларининг номи нафақат ўзимизнинг бозорларда, балки қўшни давлатларда ҳам донғи кетган. Шу боис маҳсулотларини чет давлатларга экспорт қилади.

«Аёллар дафтари»даги хотин-қизларнинг бандлигини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Жумладан, кўмакка муҳтож, кам таъминланган 8 нафар аёлга имтиёзли кредитлар эвазига тикув машиналари олиб берилиб, ўзини ўзи банд қилишига кўмаклашдик. Яна 5 нафарига субсидия асосида турли асбоб-ускуналар олиб берилди. Бундан ташқари, «Темир дафтар»га киритилган «Бўкса суягининг емирилиши» ташхиси билан оғриган Сарвиноз Нозимбоевага соғлигини тиклаши ва даволаниши учун «Саховат ва кўмак» жамғармаси ҳисобидан 20 млн. сўмлик моддий ёрдам ажратилди. Ногиронлиги бўлган Улданоў Шонгоровага эса даволаниши учун жамғарма ҳисобидан 2 млн. сўм моддий ёрдам кўрсатилди.

Умуман олганда, ҳудудда тадбиркорлик субъектларининг кўпайётгани аҳолининг маҳалладан чиқмаган ҳолда даромад топишига имконият яратмоқда. Бугун бу ерга келсангиз, бирорта кишининг бекор юрганини кўрмайсиз. Ҳамма тадбиркорлик ортидан даромад топиб, рўзғорини тебратяпти.

БИЛАСИЗМИ?

Тамаки маҳсулотлари ноқонуний сотилса...



Конунчиликка кўра, тамаки маҳсулотларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш анча миқдорда ёхуд шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, қуйидаги жазо чораларидан бири қўлланилишига сабаб бўлади:

БҲМнинг 200 бараваридан 400 бараваригача миқдорда (66 млн сўмдан 132 млн сўмгача) жарима, 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари, 2 йилдан 5 йилгача озодликни чеклаш, 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Шунингдек, мазкур ҳаракатлар қуйидаги ҳолатда содир этилган бўлса, 7 йилдан 12 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади:

жузда кўп миқдорда; уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб.

НУҚТАИ НАЗАР

МАНЗАРА

«Ўзига тўқ одамнинг «қўли эгри» бўлмайди»



«Сарчашма» – Қашқадарё вилоятининг сўлим табиатли гўшаларидан бири. Авваллари бу ерга келиш учун пасту баланд, ўнқир-чўнқир тоғ йўлидан махсус, тоғ йўлларига мослашган машиналарда боришнинг ўзи машаққат эди. Йўл масаласи тоғ қишлоқлари аҳолисининг ушалмас орзусига айланганди. Айниқса, қиш-қировли кунларда туман марказига тушиб бўлмасди. Зарурат бўлмаса тушмасди ҳам. Мана, бугунга келиб, ҳудудда бунёдкорлик ишлари авжида.

Фазойил ЧОРШАНБИЕВ,
Шаҳрисабз туманидаги
«Сарчашма» маҳалласи раиси.

Ободлик ишлари доирасида «Ҳисорак – Сарчашма» автомобиль йўлининг 12 километр қисмида асфальтлаш ишлари амалга ошириляпти. Эни 4,5 метр, қалинлиги 10 сантиметр ўлчамда асфальт ётқизилмоқда. Илгари 2-2,5

метр бўлган йўл ҳозирги кунда 7 метргача кенгайтирилди. Жарлик томонга бетон тўсиқлар қўйиб чиқилмоқда. Шу вақтга қадар 4 километр жойга асфальт ётқизилди. Жорий йил ҳисобидан йўлнинг 6 километр қисмини асфальт ва бетон қоришма билан қоплаш кўзда тутилган. Кейинги йил қолгани қилинади. Чунки тоғ йўли бўлгани учун асфальт ётқизишга йўлни тайёрлаш, кенгайтириш, текислаш ишлари анчагина вақт талаб этади. Бундан ташқари, сел сувларини қочириш учун керакли жойлар-

га 28 та турли ўлчамдаги металл қувурлар қўйилмоқда.

4 700 нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қиладиган Сарчашма қишлоғи Қирққиз, Шоҳ юрти, Айритоғ чўққилари этагида жойлашган. Бу ерда, асосан, тожик миллатига мансуб кишилар деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланиб, ҳаёт кечиради. Деярли ҳар бир хонадон ўзи учун ажратилган ерда деҳқончилик қилиб, ҳар йили тоннаб картошка, олма, ёнғоқ каби маҳсулотларни бозорга чиқаради. Уста бободехқонлардан бири Амиркул Ёров ҳовлиси ва дала томорқасидаги ёнғоқ дарахтларидан ҳар йили 1 тоннагача ҳосил олади. Пешона тери билан топилган даромаднинг гашти ўзгачалигини, меҳнат қилган инсон ҳеч қачон кам бўлмаслигини деҳқонларимиз бот-бот такрорлашдан чарчамайди.

Маҳаллага келган киши ҳамма иш билан бандлиги, кимдир ёнғоқ қоқаётгани, кимдир олма тераётгани, яна бошқа биров картошка кавлаш билан овора эканини кўради. Бу йил қиш совуқ келди, бироқ сарчашмаликлар дарахтларни совуқ уришидан асраб қолишди. Гап шундаки, пастга нисбатан тоғ томонларда баҳор 1,5-2 ой кеч бошланади. Куз ҳам эрта тушади. Шунинг учун бўлса керак, дарахтларимизга совуқ кўп таъсир қилмайди. Қишлоғимизда деярли ҳамманинг томорқаси бор. Ками 10-15 сотихдан. Бу ерда боқиманда одамни тополмайсиз. Ҳамма меҳнат қиладди.

Ислохотлар шабадаси сарчашмаликларнинг турмуш тарзи, ҳаётини ҳам ўзгартирмоқда. Айниқса, доим ўчоқ-қозон ва бола тарби-

яси билан банд бўлган хотин-қизларнинг юмушлари енгиллашган. Очиғи, улар илгари сира рўзғор ишларидан ортмасди. Мана газ баллонлари келиб, ўчоқдан қутулдик. Янги боғча очилиб, фарзандларимиз қатнаёпти, замонавий таълим оляпти. Энди аёлларнинг бўш вақти кўпайди. Ўзига қарашга, бирор хунарни давом эттиришга имкон пайдо бўлди.

Аксарият меҳмонларни «Сарчашма»да эгри-бугри бўлиб, тепаликка томон ўрлаган кўчалар бирир таси девор билан ўралгани қизиқтиради. Бу нимадан дарак беради? Қишлоқда «қўли эгри» одам йўқлигидан, ҳамма ўзига тўқлигидан... Синамоқ учун қишлоқнинг исталган ерига буюмингизни қўйиб кетинг, то ўзингиз қайтиб келмагунингизча биров тегмайди. Қишлоққа бегона кўз ораласа, дарров ҳамма билади.

Этибориси, қишлоқдошларимиз билан келишган ҳолда, худуд тарихини ўзида акс эттирувчи музей ташкил этдик. Фойдаланилмай турган қадимий масжид биносида ташкил этилган ушбу музей қишлоқ одамларининг турмуш тарзи, урф-одатлари ва анъаналари акс эттирувчи минглаб экспонатларга тўла. Бу хайрли ишнинг ташаббускори шу ерлик рассом Фурқат Абулов саналади. Музейдаги экспонатларнинг энг қадимийси тарихчиларнинг айтишича, 8-асрга тааллуқли сопол товоқ саналади. 13-асрларга тааллуқли найза ўқи ҳам қадимий экспонатларимиздан. Маҳаллага келган меҳмон борки, албатта, музейни бир бора томоша қиладди.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Ногиронлиги бўлган шахсларда қандай ҳуқуқлар бор?

Фахриддин УСМОНОВ,
Сариосиё туманидаги «Боғистон» маҳалласи раиси:

– Маҳалламизда ногиронлиги бўлган шахслар истиқомат қиладди. Уларга давлат томонидан тегишли ёрдамлар, нафақа пуллари тўлаб берилмоқда. Яқинда улардан бирини ишга жойлаштиргандик. Бироқ корхонада унга на қисқартирилган иш вақти, на имтиёзли меҳнат таътили тақдим этиляпти. Айтингчи, меҳнат қонунчилигида ногиронлиги бор шахсларга қандай имтиёзлар белгиланган?

Саламат ТУРЕМУРАТОВ,
Адлия вазирлиги
масъул ходими:

– Қонунчиликда ногиронлиги бўлган шахсларнинг қулай яшаши ва ҳаракатланиши, меҳнат қилиши учун шароитлар яратиш бўйича қоидалар мавжуд. Хусусан, ҳар йили ҳокимликлар томонидан ногиронлиги бўлган шахслар учун белгиланган иш ўринларининг энг кам сони ҳисобидан захирадаги иш ўринларига маҳаллий меҳнат органлари йўлланмасига кўра ишга жойлашиши кафолатланади.

Соғлиғи ҳолатига кўра,
ишда ишлаши таъминланади

Бундай тоифадаги шахслар меҳнатидан уларга соғлиғининг ҳолатига кўра қарши кўрсатма бўлган ишларда фойдаланиш тақиқланади. Тиббий-ижтимоий эксперт комиссиясининг ногирон-

лиги бўлган шахсларнинг тўлиқсиз иш вақти режими тўғрисидаги, юкломани камайтириш ҳақидаги ва меҳнатнинг бошқа шарт-шароитлари тўғрисидаги тавсиялари иш берувчи томонидан бажарилиши мажбурийдир.

Жамоа шартномасида ёки меҳнат шартномасида белгиланган меҳнат шарт-шароитлари, шу жумладан, иш ҳақи, иш вақти ва дам олиш вақти режими, йиллик меҳнат таътилининг давомийлиги қонунчиликда белгиланганидан кам бўлиши ҳамда бошқа ходимларга нисбатан ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳолатини ёмонлаштириши ёки уларнинг ҳуқуқларини чеклаши мумкин эмас. Ногиронлиги сабабли улар билан меҳнат шартномаси тузишни ёки ишда унинг юқори лавозимга кўтарилишини рад этишга, у билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилишга йўл қўйилмайди.

Мажбурий тиббий
кўриқлардан ўтказилади

Ногиронлиги бўлган шахслар фақат дастлабки мажбурий тиббий кўриқдан ўтганидан кейин ишга қабул қилинади ва кейинчалик ҳар йили мажбурий тиббий кўриқдан ўтказиб турилиши лозим. Дастлабки мажбурий тиббий кўриқлар иш берувчининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Иш вақти
қисқартирилади

I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган ходимлар учун иш вақтининг давомийлиги ҳафтасига 36 соатдан ошмайдиган қилиб белгиланади. Улар учун кунлик ишнинг (сменанинг) давомийлиги тиббий-ижтимоий эксперт комиссиясининг тавсияларига мувофиқ белгиланади, лекин олти кунлик иш ҳафтасида – 6 соатдан, беш кунлик иш ҳафтасида – 7 соату 30 дақиқадан ортиб кетмаслиги керак. Уларнинг меҳнатига иш вақтининг қисқартирилган давомийлигида ҳақ тўлаш тегишли касб ва лавозимлардаги ходимларга тўлиқ иш вақти давомийлигидаги миқдорда амалга оширилади.

Хизмат сафарига розилик
қилиши мумкин эмас

Ногиронлиги бўлган ходим-



ларни хизмат сафарига юборишга, тунги ишларга, иш вақтидан ташқари ишларга ҳамда дам олиш ва ишланмайдиган байрам кунларидида ишларга жалб қилишга фақат уларнинг розилиги билан, агар ушбу ходимлар учун бундай ишлар тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси тавсияларида тақиқланмаган бўлса, йўл қўйилади.

Камида 30 кунлик меҳнат
таътили берилади

I ва II гуруҳ ногиронлиги бўл-

ган ходимларга давомийлиги камида 30 календарь кундан иборат йиллик меҳнат таътили берилади ва улар бу таътидан йилнинг ўзлари учун қулай бўлган вақтида фойдаланиши мумкин. Уларни меҳнат таътилидан қақриб олишга йўл қўйилмайди. Шу билан бирга, иш берувчи бундай тоифадаги ногиронлиги бўлган ходимнинг хоҳишига кўра, унинг ёзма аризаси асосида унга иш ҳақи сақланмаган ҳолда ҳар йили давомийлиги 14 календарь кунгача бўлган таътил бериши шарт.

ТАЖРИБА



МЕНДА СА... ..



Ғайрат ТОШПЎЛАТОВ,
Қўқон шаҳридаги
«Мингтут» маҳалласи раиси:

— Маҳалламиз ҳудудда жойлашган муассасаларда меҳнат қилаётган кўплаб ходимлар ўриндошлик асосида ишга қабул қилинган. Айтилган, улар асосий штатдаги ходимлар каби меҳнат ҳақи, мукофот, байрам пулларини олишлари мумкинми? Қонунчиликда бу ҳолат қандай тартибга солинган?

Ўриндош ходимга байрам пули бериладими?



Аброрбек ЭЪЗОЗХОНОВ,
«Мадад» НТТ ҳуқуқшуноси:

— Бу масала «Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 15-бандига асосан, агар жамоавий шартномада ёхуд иш берувчи томонидан касба уюшма кўмитаси ёки ходимларнинг вакиллик органи билан келишган ҳолда қабул қилинган маҳаллий ҳужжатда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ўриндошлик асосида ишловчиларга меҳнат ҳақи, мукофот, қўшимча ҳақ, устама, рағбатлантириш тўловлари шакли ва тизими ташкилотнинг барча ходимлари учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

Демак, юқоридаги тартиблардан маълум бўлганда, ўриндош ходимлар локал ҳужжатларда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, асосий ходимлар каби байрам пули олишга ҳақли.

«Таъмирталаб тиббий муассасадан нажот топиб бўлмаяпти»

Айни кунларда маҳалламизда «Жона-жон юртим ободлигига ўз ҳиссамни қўшаман!» шиори остида «Обод маҳалла», «Обод кўча», «Обод хонадон» мезонлари асосида фуқаролар ўзаро бирлашиб, аҳил-иноқлик билан ўзлари яшаб турган хонадон ва кўчаларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тадбирларида фаол иштирок этяпти.

Валижон ТҲҲЧИЕВ, Поп туманидаги «Нуробод» маҳалласи раиси.

Маҳалламизда 2 035 нафар аҳоли яшаса, 489 та хонадон ва 5 та кўча бор. Ҳар бир кўча секторлар кесимида бўлиб берилган. Режага кўра, 6,2 км. масофада асфальтлаш ишлари белгиланган бўлса, ҳозиргача, биринчи босқичда 2,5 км. қисми бажарилди. Дўстлик кўчасига 2 км. ичимлик сув тармоғи тортилди. Шунингдек, Тинчлик кўчасига 1,5 км. тармоқ тортиш ишлари давом этяпти. 2 та кўп қаватли уйларнинг ташқи фасади ва том қисми таъмирланяпти.

Эски симёғочлар ўрнига 76 та янги бетон устунлар ўрнатиш, 2,5 км. электр тармоғини янгиллаш ишлари бошланди.

Бундан ташқари, янги маҳалла биноси қуриш ишлари якуний палласига кирмоқда. Ҳозиргача бино пойдевори ва деворлари тикланди. Том қисмини ёпиш ишлари кетяпти. Ҳомийлик ва ҳашар йўли билан кўчалар, ариқ-зовурлар тозаланди. Дўстлик кўчасидаги 12 та симёғоч бетон устунга алмаштирилди. 5 дона тунги ёритиш чироклари ўрнатилди.

Қолаверса, ўтган йили Озод кўчасига 62 та бетон устунлар ўрнатилиб, 1,5 км. кабел тортилган. 2 км. дан ортиқ ичимлик сув тармоғи янгиланган. Дўстлик кўчасидаги 54 та хонадонга газ тармоғи тортилиб, электр ҳисоблагичлар ўрнатилган.

Аҳоли томорқасидан унумли фойдаланишни йўлга қўйиш мақсадида хонадонма-хонадон юриб, кичик иссиқхоналар қураямиз. Ҳозирда жами 38 та хонадонда иссиқхона учун жойлар тайёрланди.

Маҳалламизда эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор бе-

рилади. Ўтган йили 2 та кам таъминланган оилага уй қуриб берилди. Бугун Гулмира Улуғбоева ҳамда Мартабали Ботировлар оиласи барча шароитларга эга хонадонда умргузаронлик қилишмоқда.

Ҳудудда янги иш ўринлари яратиш орқали ишсизликни тугатишга ҳаракат қилияпмиз. Масалан, охириги хатловда 105 нафар ишсиз рўйхатга олинган бўлса, ҳозирда улар 40 нафар қолди. Бунда, асосан, ишсизлар касб-хунарга ўқитилиб, субсидия ва кредит олишга тавсия берилди, жамоатчилик ишларига жалб қилдик. Жами 12 та тадбиркорлик субъекти фаолият олиб бориб, уларда 50 нафарга яқин иш ўрни яратилган.

Режада ҳали ечимини топмаган масалалар кўп. Жумладан, Ёшлик кўчамизни асфальтлаш керак. «Озод» ва «Нуробод» маҳалласи аҳолисига хизмат кўрсатувчи қишлоқ врачлик пункти анча таъмирталаб, шароити хаминқадар. Бундан ташқари, ҳудудимизда болалар ўйингоҳи ва кутубхонага эҳтиёж катта. Баъзан болалар бўш вақтини қаерда ўтказишини билишмайди.

БИЛАСИЗМИ?

Кўп хотинликка қандай жазо белгиланган?

Қонунчиликка кўра, кўп хотинли бўлиш, яъни умумий рўзгор асосида икки ёки ундан ортиқ хотин билан эр-хотин бўлиб яшаш, қуйидаги жазо чораларидан бири қўлланилишига сабаб бўлади:

БХМнинг 50 бараваридан 100 бараваригача (16 млн. 500 минг сўмдан 33 млн. сўмгача) миқдорда жарима; 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари;

1 йилдан 3 йилгача озодликни чеклаш; 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш.

БИЛИБ ОЛИНГ!

Интизомий жазо қачон олиб ташланади?

«Ўзбекистон Республикаси «Меҳнат кодекси»да интизомий жазонинг амал қилиш муддати, тугалланиши ва олиб ташланиши тартиблари белгиланган.

Унга кўра, интизомий жазонинг амал қилиш муддати у қўлланилган кундан эътиборан бир йилдан ошмаслиги керак.

Агар интизомий жазо қўлланилган кундан эътиборан бир йил ичида ходимга янги интизомий жазо қўлланилмаса, у интизомий

жазога тортилмаган деб ҳисобланади. Бунда интизомий жазо иш берувчининг буйруғи чиқмасидан автоматик тарзда тугалланади.

Иш берувчи интизомий жазони ўз ташаббусига кўра, ходимнинг бевосита раҳбарининг, касба уюшмаси кўмитасининг илтимос-

номасига, шунингдек ходимнинг илтимосига кўра, бир йил ўтганига қадар муддатидан олдин олиб ташлаш ҳуқуқига эга. Интизомий жазони муддатидан олдин олиб ташлаш иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

Ушбу моддада назарда тутил-

ган интизомий жазо тугалланиши ва олиб ташлаш қоидалари иш берувчининг ташаббуси билан ушбу Кодекс 161-моддаси иккинчи қисмининг 4 ва 5-бандларига мувофиқ меҳнат шартномаси беқор қилинган ҳолда қўлланилмайди.

ТАКЛИФ

«Камбағаллик эркин бозор муҳитида қисқаради»

Маҳалламиз туман марказида жойлашгани боис, аҳолининг асосий қисми, яъни 1 304 та хонадоннинг 1 100 таси кўп қаватли уйларда яшайди. Қолган 200 та хонадон ҳовли уйлardan иборат. Маҳалладошларимизнинг аксарияти давлат ташкилотларида фаолият юритса, айримлари тадбиркорлик билан шуғулланади. Кўпроқ савдо дўконлари, емакхоналар, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари мавжуд.

Жамшид ҚОРАБОЕВ,
Нуробод туманидаги
«Наврўз» маҳалласи раиси.

Йиғинимизда хўжалик совулари, идиш ювиш геллари, турли бетон-ғишт ва тўсинлар, металл буюмлар ишлаб чиқариш каби кичик цехлар ривожланмоқда. Ишсизликни бартараф этиш мақсадида аҳолини уч ойлик касб-хунар ўқув марказларида ўқитяпмиз. Шу кунга қадар 15 нафар ишсиз аҳоли касб-хунар ўрганиб, ўзини ўзи банд қилди. Тиқиш-бичишга қизиқадиган ишсиз хотин-қизларимизга тикув машиналари, қандолатчилик билан шуғулланишни истаганларга эса мини печлар берилди.

Шу ўринда, айрим муаммо ва унинг ечимлари бўйича ўз таклифларимни бериб ўтсам. Маҳаллалардаги ишсизлик ва миграцияни камайтириш учун аҳоли даромадини оширадиган кичик бизнес ва катта-катта иш ўринларига эга корхона ва заводларни янада кўпайтириш зарур. Бунда, энг аввало, турли бюрократия ва монополияга чек қўйиш керак. Биргина мисол, ота-боболаримиз чорвачилик билан шуғулланиб келгани учун мен ҳам чорвачиликка қизиқиб, кредит асосида қўй олмоқчи бўлиб, таъминотчи бозордаги 1 миллион 700 минг сўмлик қўйларни 6 миллион сўмга баҳоламоқда. Бунда ишсизликни камайтириб бўлмайди, аксинча

ортади. Шу боис ишсиз аҳолига кредит асосида сотиб оладиган маҳсулотларини монополашган таъминотчилардан эмас, эркин бозордан харид қиладиган тизим яратиш лозим.

Маҳалла раиси бўлишимдан олдин – 2021 йил ва 2022 йил бошларида йиғинимиздаги 8 та хонадонга таъминотчилар кредит асосида иссиқхона қуриб беришганди. Сифатсиз қурилган иссиқхоналар узоққа бормади, ҳеч ким даромад олмади, лекин кредитни тўлашди. Раис бўлганимдан сўнг аҳолига кредит асосида товук тарқатмоқчи бўлишди, бироқ бунга қарши чиқдим. Агар биз, ростдан ҳам, камбағалликни қисқартириб, ишсизликни бартараф этишни хоҳласак, аввало, ишсиз аҳолига бозор нархида, сифати кафолатланган маҳсулот ва сервис хизматларни йўлга қўйишимиз керак.

Аҳолининг талаб ва истаklarидан келиб чиқиб, ўша ҳудудга мос бизнес турларини ривожлантиришга имкон ва шароит яратишимиз лозим. Масалан, бизнинг йиғинда 120 та хўжалик жойлашган ерли ҳовлилар ҳудудида иссиқхоналар ташкил этиш мумкин. Бунинг учун, аввало, шу йўналишга қизиқиши бор аҳолига иссиқхона ташкил этиш ва унда қандай маҳсулотлар етиштириб, қанча даромад олиш мумкинлиги ҳақида қисқа курслар ташкил этиш зарур. Негаки аҳолининг: «ота-бобом қилмаган ишни мен қиламанми», деган мантиқсиз қарашларини ўзгартириш вақти келди.



Яна бир оғриқли масала – ёш оилалар ажрашиши. Афсуски, оила қураётган аксарият ёшларда оила муқаддас қадрият экани ҳақида тўлиқ тушунча йўқ. Кўпчилик ёш оилалар арзирли сабабларсиз, «биз бир-биримиз билан келишдик, ажрашамиз» дейишгача боришмоқда. Айрим оила бошлиқлари жуфти ҳалолани бир буюмдек кўришади. Шу сабаб ёшларга мактаб давридаёқ, 10-11 синфда, академик лицей ва коллежларда, олий таълим муассасаларида оила қадриятлари бўйича махсус дарс соатлари ташкил этилиши зарур, деб ҳисоблайман.

Иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлур, дейишади-ку. Ишимизни янада яхшилаш учун моддий-техник таъминотимизни яхшилаш лозим, айникса, компьютер ва рангли принтер жуда зарур бўляпти. Хотин-қизлар фаоли учун на мебель жиҳозлари, на зарур техникалар, ҳеч нарса йўқ. Узимизнинг алоҳида идорамиз ҳам йўқ. Халқ қабулхонаси идорасининг бир қисмида – 4 та хонада «маҳалла бешлиги» жойлашган. Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилаётган «маҳалла еттилиги» тўлиқ фаолият бошласа, бу борадаги муаммолар яна ортиши табиий...

ТАШАББУС

«Раис розилик бергач, ходим таътилга чиқса...»

Сўлим тоғ-ёнбағрида жойлашган маҳалламизнинг асосий «драйвери» – боғдорчилик. 558 та хонадоннинг деярли барчасида узум етиштирилади. 2 гектарли иссиқхонамизда помидор, бодринг, ҳаттоки гуллар парваришланмоқда.

Хусниддин МУҲИДДИНОВ,
Паркент туманидаги
«Наврўз» маҳалласи раиси.

Бу ерда етиштирилган маҳсулотларни қадоклаш ишлари бошлаб юборилган. Яна икки гектар майдонда мевали, манзарали ва игна баргли турли кўчатлар тайёр-

ланмоқда. Шу боис бизда ишсиз, бекорчи аҳоли йўқ. Туман, вилоят ва республика миқёсидаги турли давлат ташкилотларида ишлайдиган зиёли инсонлар талайгина.

Сўнгги йилларда «Ташаббусли бюджет»дан самарали фойдаланиб, маҳалладаги инфратузилма муаммоларини ҳал этяпмиз. Шу кунгача 5 маротаба «Ташаббусли бюджет» лойиҳасида ғолиб бўлдик. Дастлабки лойиҳа орқали Шўроб кўчасига 1 200 метр тоза ичимлик сув тармоғини тортиб келдик. Иккинчи лойиҳа натижасида Амир Темура кўчасининг 1 550 метр қисми асфальтланди. 1 миллиард 200 миллион сўмлик учинчи лойиҳа орқали 10-мактабнинг иситиш тизими яхшиланди. 1 миллиард 220 миллион сўмлик лойиҳа ҳисобидан 43-мактабнинг спорт майдонини реконструкция қилиш, қўшимча мини-футбол, теннис корти, волейбол, югуриш йўлаги, тренажёр майдонлар қуриб, теварак-атрофини ўраш ишлари – тўртинчи лойиҳа бўлиб, ҳозир ишлар жадал олиб борилмоқда. Яқинда ютган сўнгги лойиҳа орқали Бобур кўчасининг 3 км. қисми асфальтланади.

Аҳолини даромадли қилиш

учун барча имконият ва тажрибалар ишга солиняпти. Собиқ ўрмон хўжалигининг 24 гектар ер майдонидан 70 та оилага 20 сотихдан деҳқон хўжалиги қилиб бериш ишларини бошладик. Бунинг натижасида икки юзга яқин аҳоли бандлиги таъминланади. Ишсиз ёшларга 3 та мотокультиватор, хотин-қизларга тикув машинаси берилди. Маҳаллада тикувчилик маркази ташкил қиляпмиз. Насиб бўлса, йил охирига қадар 105 та иш ўрни яратиш ниятидамиз.

Энг катта ташаббусларимиздан бири – 5 гектар ер майдонида туризм шаҳарчасини барпо қилишдир. Бу ерда меҳмонхона қурилишидан ташқари, сайёх-меҳмонларнинг гўзал табиат манзараларидан баҳраманд бўлиб, мароқли ҳордиқ чиқаришлари учун зарур шарт-шароитлар яратилади.

Ҳали қиладиган ишларимиз кўп. Маҳалла ҳудудига янги қўшилган 3 та кўчани асфальтлаб, ичимлик сув таъминотини яхшилаш керак. Мактаб ўқувчилари учун махсус йўлаклар ҳамда «Мир-бобо» қабристонни атрофини ўраш ишлари режамизда долзарб бўлиб турибди.

Президентимизнинг ташаб-

буси билан «маҳалла еттилиги» ташкил этилаётгани айтиш мудо бўлди. Айникса, ижтимоий хизмат ходими штатининг ташкил этилиши натижасида аҳолининг кўплаб муаммолари ҳал этилади. Эндиликда эҳтиёжманд аҳолини рўйхатга киритиш, моддий ёрдам, субсидия ва кредит ажратиш каби 70 дан ортиқ масалалар, туман ва вилоят идораларига чиқмасдан, маҳалланинг ўзида жамоавий ҳал қилинади.

«Маҳалла еттилиги» ишини мувофиқлаштиришда маҳалла раисларининг ваколатлари кенгайтирилмоқда. Жумладан, улар ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, солиқчи ва ижтимоий ходимни рағбатлантириш ёки интизомий жазо қўллаш бўйича тақдимнома киритиш ваколатига эга бўлади.

Таклифим: «маҳалла еттилиги» ходимларининг меҳнат таътилига чиқиши ҳақида маҳалла раисининг розилик хатини олиш қатъий белгиланиши зарур. Тажрибадан маълум бўляптики, профилактика инспекторлари маҳалла раисини ҳеч қандай огоҳлантирмасдан меҳнат таътилига чиқиб кетмоқда.





«Саъй-ҳаракатлар ортидан «Оғир»лик чекин्याпти»

Маҳалламизда 642 та хонадон, 826 та оила ва уларда 3 780 нафар аҳоли истиқомат қилади. Одамларнинг асосий тирикчилик манбаи — деҳқончилик ва чорвачилик. Худудда экин ери 412 гектарни ташкил этса, шундан 321 гектари фермер хўжалиги тасарруфидоги экин майдони, қолгани томорқа ерлардир. Албатта, қишлоқ жойда ўз томорқасига эга бўлган оила борки, сигир-бузоқ парваришлайди, товук боқади. Шу билан рўзғорда сут-қатиққа, гўшт ё тухумга бўлган эҳтиёж қопланади.

Жасурбек НАСУЛЛАЕВ,
Шофиркон туманидаги
«Куйи Чуқурак» маҳалласи раиси.

Худудда ечимини қутаётган талай масалалар йиғилиб қолганди. Хусусан, 185 та хонадон тоза ичимлик сув билан таъминланмаган, 457 та хонадон эса ичимлик сувни турли манбалардан ташиб истеъмол қилади.

Аҳолининг ижтимоий аҳволига назар солсак, айни пайтда «Темир дафтари»га 1 та оила киритилган. Унга яқин йиғит-қиз «Ёшлар дафтари»дан, 113 нафар аёл «Аёллар дафтари»дан ўрин олган. Худди

шундай, серфарзанд ва кам таъминланган 34 та, ночор ва ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга муҳтож 30 га яқин оилани моддий «соғломлаштириш» зарур.

Шу мақсадда маҳаллада 96 нафар муҳтож фуқарога умумий қиймати 2 миллиард 592 миллион сўмлик имтиёзли кредит маблағи ажратилди. Уларга субсидия асосида иссиқхона ташкил этишда кўмаклашдик. Хунар ўргатиш орқали бандлигини таъминладик. Якка тартибда ишлаб, даромад топишлари учун меҳнат куроллари, мотокультиватор, пайвандлаш, ўт ўриш ва бошқа таъмирлаш ускуналари, юк мотоцикллари олиб

берилди. Камхарж оилалар чеварлари замонавий тикув машиналари билан таъминланяпти.

Аҳоли бандлигини таъминлаш борасида ўтган ойларда ҳоким ёрдамчисининг амалий кўмаги билан «Бухоро» МЧЖга эҳтиёжманд оилаларнинг 11 нафар фарзанди ишга жойлаштирилди. Шунингдек, 37,6 гектар ер майдони 188 нафар кишига тақсимот асосида аукцион савдолари орқали берилди. Шундан ҳар бир сотих ерга дастлабки экилган картошқадан 600 килограммдан ҳосил олинди. Бундан ташқари, оилалар 10 сотих ерда саримсоқпиез, исмалок, кўкат етиштириб, юқори даромад-

га эришяпти.

Одамларга яратиб берилаётган шарт-шароит, худуд инфратузилмасини яхшилаш борасида гап кетганда, «Обод хонадон», «Обод кўча», «Обод маҳалла» мезонлари доирасида таъмирталаб аҳволга келган қарийб 10 километр йўл қисмини талаб даражасига келтириш, жумладан, 2,5 километр йўл асосини тайёрлаб, шағал бос-тириш, 2,2 километр масофада пидедалар йўлагини барҳам қилиш, деярли 2,3 километр масофага ичимлик сув тармоғини тортиш, мавжуд гидроиншоотни мукаммал таъмирлаб ишга тушириш каби чора-тадбирларга жадал киришилди. Шу билан бирга, электр энергияси таъминотида кузатилаётган узиллишларга барҳам бериш, трансформатор юкламаларини камайитириш мақсадида 4,5 километр масофадаги электр линиясини таъмирлаш, кабелларини янгилаш, 60 та симёғочни темир-бетон устунга алмаштириш, тунги ёритиш чироқларини ўрнатиш каби ишлар авжида.

Туман электр тармоқлари корхонаси томонидан маҳаллага 250 ҳамда 100 киловатт соат қувватга эга трансформаторлар ўрнатилиб, 2 километр масофадаги электр симлари созланди. Яна 20 тадан ортиқ таянч устунлар тўғриланиб, 5 километр узунликдаги тармоқ дарахт шоҳларидан тозаланди. Худуддаги 5 та трансформатор жорий таъмирдан чиқарилиб, электр токи таъминоти ва ўтказувчанлиги яхшиланди. Қолаверса, тегишли хизматлар, ободонлаштириш бошқармаси ҳамкорлигида худуддаги 250 дан ортиқ хонадоннинг ташқи фасади тартибга келтирилди, 2 километр масофадаги ариқ-зовур тозаланди, дарахтларга шакл берилди ва окланди.

Мухтасар айтганда, юқоридagi саъй-ҳаракатларнинг барчаси, энг аввало, одамлар оғирини енгил қилиш, уларнинг ҳеч кимдан кам бўлмай яшаши, эртанги кунга ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Аёлларга қандай имтиёзли кредитлар берилади?

Нодир ҒОИПОВ, Олот туманидаги «Дилкор» маҳалласи раиси:

— Бугун маҳалладаги хотин-қизларга қатор имтиёзлар берилган. Хусусан, уларга бериладиган кредитлар тадбиркорлик қилиш, уй-жойга эга бўлиш ва бирор касбни эгаллаш учун янги имкониятлар эшигини очади. Аммо бундай имтиёзли кредитлар борлигидан қўлаб хотин-қизлар беҳабар. Улар қаерга, қандай мурожаат қилишни, кредитни қандай олишни билмайди. Эҳтиёжманд хотин-қизларга бериладиган имтиёзли кредитлар ҳақида маълумот берсангиз...

Саламат ТУРЕМУРАТОВ,
Адлия вазирлиги масъул ходими:

— Дарҳақиқат, қонунчиликда хотин-қизларга турли йўналишларда имтиёзли кредитлар ажратиш тартиби белгиланган. Хусусан, эҳтиёжманд хотин-қизларга **оилавий тадбиркорликни ташкил этиш учун** 33 миллион сўмгача имтиёзли кредит берилади. Кредитни олиш учун «Халқ банки», «Агробанк», «Микрокредитбанк»ка мурожаат қилиш керак. Худди шундай, **тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун** аёлларга Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси орқали 33 миллион сўмгача кредит ажратилади. Ҳар икки ҳолатда кредитни олиш учун **ҳоким ёрдамчиси кўмаклашади.**

Уй-жойга муҳтож эҳтиёжманд хотин-қизларга **ипотека кредити буйича бошланғич бадал тўлаб бе-**

рилади. Бошланғич бадал уй-жой қийматининг 10-15 фоизи ёки 32 миллион сўм миқдорида тўланади. Бунинг учун Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, туман (шаҳар) ҳокимлиги, Адлия вазирлиги ёки Ягона интерактив давлат хизматлари порталига мурожаат қилиш керак. **Мазкур кредитни олишда аёлларга хотин-қизлар фаоли кўмаклашади.**

Қарамоғида ногиронлиги бўлган фарзанди мавжуд эҳтиёжманд хотин-қизларга **деҳқончилик, фермерлик, иссиқхона учун кредит берилади.** Бунда кредит енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш, парранда, асалари, қуён, балиқ ва бедана боқишни йўлга қўйиш, деҳқончилик билан шуғулланиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш, сақлаш ва сотиш ишларини ташкил этиш, «Томорқа хизмати» ташкилотлари ва «Дала дўконлари»ни ташкил этиш

учун ажратилади. Унинг миқдори жисмоний шахсларга 33 миллион сўмгача, фермер, деҳқон хўжаликлари ва бошқа тадбиркорлик субъектларига 225 миллион сўмгача ва ундан юқори қийматни ташкил этади. Кредит олиш учун Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига мурожаат қилинади. **Аёлларга ҳоким ёрдамчиси ва худудий фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши кўмаклашади.**

Имтиёзли таълим кредити Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларида таълим олаётган хотин-қизларга берилади. Кредит ўқиш тугаганидан сўнг еттинчи ойдан бошлаб 7 йил давомида тўлаб борилади. Имтиёзли таълим кредити ажратиши мумкин бўлган ҳар қандай банкка мурожаат қилиш мумкин.

Агарда банклар ушбу кредитларни ажратишдан бош тортса, албатта, нима асосда рад этилаётганини сўраш ва ёзма шаклда жавоб беришларини талаб қилиш керак.

Агар ушбу мурожаатга жавоб берилмаса ёки жавоб беришдан бош тортиса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга (адлия, прокуратура ва ички ишлар) мурожаат қилиш зарур.

БИЛАСИЗМИ?

Вояга етган болага алимент тўланадими?

Ота-она вояга етмаган болаларига таъминот бериши шарт. Вояга етмаган болаларига таъминот бериш мажбуриятини ихтиёрий равишда бажармаган ота (она)дан суднинг ҳал қилув қарорига ёки суд буйруғига асосан алимент ундирилади. Шунингдек, вояга етмаган болаларига алимент тўлаш ва уларга таъминот беришда ота-онанинг мажбуриятлари тенгдир.

Вояга етган, аммо меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болалари учун ота-ондан алимент ундирилади. Бунда алиментнинг миқдори ота-онанинг оилавий ва моддий аҳволи ҳисобга олиниб, ҳар ойда пул билан тўланадиган қатъий суммада белгиланади.

Қонунчиликка кўра, болаларнинг таъминоти учун қўшимча маблағ талаб қилиниши мумкин. Ота-она фавқулодда ҳолатлар (боланинг оғир шикастланиши, касал бўлиши ва бошқалар) туфайли келиб чиққан, боланинг таъминоти учун зарур бўлган қўшимча харажатларда иштирок этиши шарт. Қўшимча харажатларда иштирок этишдан бош тортган ота (она)дан суд уларнинг оилавий ва моддий аҳволини ҳисобга олиб харажатларни ундириши мумкин.

Алимент тўлаши шарт бўлган шахс доимий яшаш учун ёки 3 ойдан ортиқ муддатга чет давлатга кетаётганида алимент олувчилар билан келишув тузиши шарт. Келишувга эришилмаган тақдирда алимент олувчи алиментни бир йўла тўлаш, алимент эвазига муайян мол-мулкни бериш ёхуд алиментни бошқа усулда тўлаш талаби билан судга мурожаат қилишга ҳақли. Алиментлар олдиндан тўланган ёки гаров шартномаси тузилган бўлса, шахс алимент тўлаш тўғрисида келишув тузиш мажбуриятидан озод этилади.

Келишувда белгиланган алимент мажбуриятлари тарафлардан бирининг ўлими, мазкур келишув муддатининг ўтиши ёки унда назарда тутилган бошқа асосларга кўра тугайди.

ОБОД МАҲАЛЛА

«Қишда лой, ёзда чанг кўчалардан ўтардик...»



Бизнинг маҳалла Бўстон туманидаги фуқаролар йиғинлари орасида нисбатан шароити оғир ҳудуд ҳисобланарди. Тан олиб айтиш керак, шу кунгача на инфратузилма бўйича, на ободонлаштириш борасида айтирли иш бажарилмаганди. Кўчаларимиз қишда лой, ёзда чанг эди. Электр энергиясидаги узилишлардан азият чекардик. Ҳатто тоза ичимлик сув таъминоти ачинарли аҳволда эди.

Илҳомжон АҲМЕДОВ,
Бўстон туманидаги
«Меҳнатобод» маҳалласи раиси.

Шу боис маҳалламиз «Обод маҳалла», «Обод кўча», «Обод хонадон» мезони доирасида танлаб олиниб, муаммоларимиз ўрганиб чиқилди. 2 710 нафарга яқин аҳоли яшайдиган ҳудудимизда илк кун тиббий кўрик ўтказилди. Хонадонма-хонадон юриб, соғлиқла-

ри текширилди.

Мурувват кўчасининг 1 км. масофадаги қисми асфальтланиб, 1 км. пиёдалар йўлакчаси барпо этилди. 1 км. дан ортиғида шағаллаш ишлари олиб бориляпти. Ичимлик сув бўйича узоқ йиллик муаммолар бугун бартараф этилиб, 6,5 км. тармоқ тортилди. 1 та янги сув қудуғи ва 1 та сув сақлаш минораси қурилди.

Электр тармоғидаги носозликларни бартараф этиш учун 2

та янги трансформатор олиб келиб ўрнатилди. 280 та эскирган симёғочлар бетон устунларга алмаштирилди. 11 км. кабель тортилди. Дастур доирасида бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилиб, ишсиз фуқароларнинг бандлиги таъминланмоқда.

Тегишли соҳа вакилларининг сайёр қабулларида аҳоли муаммоларига ечим топиляпти. Олиб борилаётган бу хайрли ишларга одамларимиз ҳам бефарқ қараб турмаяпти. Хонадонларини тартибга келтиришмоқда. Бундан ташқари, дастур асосида маҳалла идораси тўлиқ қайта таъмирланяпти.

Ишсизликнинг олдини олиш борасидаги ишлар натижасида аҳоли бандлиги таъминланмоқда.



Масалан, охирги хатловда 47 нафар ишсиз аниқланган бўлса, ҳозир уларнинг 34 таси иш билан таъминланди. Жумладан, улар «Сабо текстиль», «Элигант текстиль», «Қодир текстиль» тикувчилик корхоналарига ишга жойланди. Жами ҳудудимизда 14 та тадбиркорлик субъекти фаолият олиб бормоқда. Уларда 70 га яқин иш ўрни яратилган. Асосий «драйвер»имиз — деҳқончилик ва чорвачилик бўлиб, ҳоким ёрдамчиси билан биргаликда хоҳловчи 7 нафар талабгорларга имтиёзли кредит асосида чорва ҳайвонлари берилди.

Қолаверса, миграциядан қайтган 7 нафар фуқароларга 20 сотихдан ер бердик. 3 нафар тадбиркорлик қилмоқчи бўлган фуқарога 33 миллион сўмдан кре-

дит ажратилди. Азизбек Қаюмов ҳозирда нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона ташкил этган бўлса, Абдураззоқ Ҳамидов яқка тартибда тадбиркорлик фаолиятини бошлади. Акмал Рўзиев автомобилларга техник хизмат кўрсатиш бўйича ўзини ўзи банд қилди. Мурувват кўчасида туман тиббиёт бирлашмаси маблағи эвазига тиббий пункт қуриляпти. Бу бунёдкорлик ишларига республика бюджетидан 1 миллиард сўм маблағ ажратилган бўлса, умумий маблағ миқдори 4 миллиард 360 миллион сўмни ташкил этмоқда.

Келгусида бу ишларни давом эттиришни режа қиляпмиз. Жумладан, ёшлар учун мини стадион, маҳалла гузари қурмоқчимиз.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Субсидия учун ариза қачон рад қилинади?

Эркин Йўлдошев, Янгиер шаҳридаги «Шодиёна» маҳалласи раиси:

— Маҳаллада яшовчи кам таъминланган, эҳтиёжманд ва уй-жойга муҳтож фуқаролар кўпчилигини ташкил этади. Утган йили бир неча аризачилар аризаси рад этилганди. Жорий йилда субсидияга аризалар қабул қилиш жараёни бошланди. Уша фуқаролар такроран ариза топширса бўладими ва қандай ҳолда ариза рад этилади?



Сарвиноз АҲМЕДОВА,

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
ахборот хизмати раҳбари:

— Уй-жой сотиб олиш ёки яқка тартибдаги уй-жойларни қуриш ва реконструкция қилиш учун фуқароларга субсидия тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 34-бандига асосан, айрим ҳолларда ариза берувчига субсидия ажратиш рад этилади.

Жумладан, тақдим этилган аризада кўрсатилган маълумотлар ижтимоий мезонларга мос келмаганда, нотўғри ёки сохта бўлганда, илгари шаҳар ва қишлоқ жойларда арзон уй-жой қуриш дастурлари доирасида имтиёзли ипотека кредитларидан фойдаланган ҳолда квартира ёки яқка тартибдаги уй-жой ҳамда субсидия олган (аввал олинган уй-жой бошқа шахсга бегоналаштириб юборилган тақдирда ҳам) оила аъзолари (эри, хотини) такрорий мурожаат этганда, жорий йилда ҳудуд учун ажратиладиган субсидия сони тугаганда аризалар рад этилади.

Шунингдек, ариза берувчи ёки оиланинг ўртача ойлик даромади Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда — МҲТЭКМнинг 2,7 бараваридан кам ва 8,0 бараваридан юқори, Тошкент шаҳрида — МҲТЭКМнинг 2,7 бараваридан кам ва 9,2 бараваридан юқори бўлганда ҳам субсидия берилмайди. Ҳозирги кунда МҲТЭКМ — меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори 980 000 сўм этиб белгиланган. Фуқаролар такроран ариза топширилари мумкин. Аммо юқоридаги талаблар асосида аввалги аризаси рад этилган бўлса, навбатдаги мурожаат ҳам қонун доирасида қайтарилмайди.

БИЛАСИЗМИ?

Қандай ҳолларда ижара тўлови қоплаб берилади?



Қонунчиликка кўра, ётоқхона билан қамраб олинмаган ва ўзига ёки ота-онаси (қонуний вакиллари)га тегишли бўлмаган уйда ижара ҳуқуқи асосида яшайдиган давлат ОТМлари талабаларининг ойлик ижара тўлови бир қисмини қоплаб бериш белгиланган.

Бунда талабгорларга (ижара тўловининг бир қисмини қоплаб бериш тўғрисида комиссия томонидан ижобий ҳулоса олган талаба) ойлик ижара тўловининг бир қисми ижара шартномасининг суммасидан қатъий назар, қуйидаги миқдорда тўланади.

Тошкент шаҳрида — **БҲМнинг бир баравари (330 минг сўм);**

қолган ҳудудларда — **БҲМнинг ярим баравари (165 минг сўм).**

Битта турар жойда икки ва ундан ортиқ талаба ижара ҳуқуқи асосида яшаган ҳолатларда, уларнинг барчаси ижара шартномасида қайд этилган бўлишлари шарт.

ОБОДЛИК

«Нега ҳар бир маҳалланинг ўз веб-сайти мавжуд эмас?»



Маҳалламизда 5 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Шаҳар ҳудуди бўлгани боис аксарият аҳоли давлат ва хусусий корхоналарда, айримлари савдо-сотик, тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш соҳаларида фаолият юритади.

Замира АЙТБАЕВА, Нукус шаҳридаги «Наўқан бағ» маҳалласи раиси.

Жорий йил давомида ҳоким ёрдамчиси тавсияси билан 107 нафар фуқарога ўзини ўзи банд қилиши, тадбиркорлик, хунармандчилик каби соҳалар билан шуғулланиши учун 1 миллиард 179 миллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилди. Ушбу фуқаролар аҳолига савдо ва сервис хизматини кўрсатиш, тикувчилик, пластик дераза ва эшик ромлари тайёрлаш, бир неча турдаги қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқариш, биоғумус етиштириш каби йўналишларда ўз фаолиятини бошлади.

Шунингдек, ҳудудда шаҳар ҳокимлиги ёрдамида 27 та кўчада электр энергия устунларини янгилаш, тунги ёриткичларни ўрнатиш, 4,5 километр узунликда ичимлик сув ва табиий газ қувурларини алмаштириш, хонадонларни интернет тармоғи билан таъминлаш, ички кўчаларга асфальт ётқириш, хиёбонларга турли дарахт кўчатларини экиш бўйича эътиборга молик ишлар бажарилди.

Аҳолига янада қулайлик яратиш мақсадида ҳудудий поликлиника филиали, 39-умумтаълим мактабининг кўшимча биноси, 2 та жойда болалар майдончаси қуриб битказилди. Ҳозирда маҳалладаги 150 ўринли 13-мактабга таълим муассасасининг янги биносини қуриш ишлари давом этмоқда. Ижтимоий ҳимояга муҳтож бир неча оила тураржойларининг том қисмида таъмирлаш ишлари бажарилган. Маҳалла фуқаролар йиғини биносининг қурилиш ишлари олиб борилмоқда.

Хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, бандлигини таъминлаш, яшаш шароитларини яхшилаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Йил бошида 106 нафар хотин-қиз «Аёллар дафтари»га киритилган эди. Шундан, 48 нафар хотин-қиз касб-хунарга ўқитилиб, кредит ҳамда суб-

сидиялар берилди. 2 та кам таъминланган оиланинг тураржойи таъмирланиб, 6 та хонадоннинг том қисми тўлиқ шиферлаб берилди. 78 нафар хотин-қизга моддий ёрдам, 3 нафарда бепул жарроҳлик амалиёти ўтказилди.

Одамларимиз ҳамжиҳат, биргаликда ба-маслаҳат қўллаб ташаббусларни амалга оширяпмиз. Мисол учун, ҳар йили «Ташаббусли бюджет» лойиҳасида фаол иштирок этиб келяпмиз. Жорий йилда лойиҳанинг биринчи босқичида маҳалламиз ободлиги йўлида 1 миллиард сўмлик лойиҳа таклифини киритиб, ғолиб бўлди. Қолаверса, «Менинг йўлим» лойиҳасида ҳам фаол қатнашиб, маҳалланинг Богмоли кўчасини асфальт қилиш учун 605 миллион сўмдан зиёд маблағни ютиб олди. Бу борадаги интилишларимиз ҳали давом этади.

Анча вақтдан бери бир фикр мени ўйлантиради: нега ҳар бир маҳалланинг ўз веб-сайти мавжуд эмас? Ахир деярли барча ҳудудларга интернет кириб борган бўлса, йиғин идораси замонавий компьютер жиҳозлари билан таъминланган бўлса, буни қилиш имкони бор. Яратилган сайт платформаси нафақат маҳалла паспорти вазифасини бажаради, балки электрон бозор ролинини ўйнайди. Маҳалла масъуллари томонидан юритиладиган мазкур сайтлар маҳалла бозори платформаси сифатида ҳудуддаги тадбиркорлар ва хунармандлар томонидан етиштирилган маҳсулотлар, буюмларни реклама тарзида ижтимоий тармоқда тарғиб қилиб боради. Сайт фаолияти эса ижтимоий тармоқларга интеграция қилинади.

Қолаверса, кимга статистик маълумот керак бўлса, маҳалла сайти базасига киритилган рақамлардан фойдаланаверади. Маҳалла тузилмасининг иш самарадорлиги ошади. Маҳалла сайти маълумотларини кузатган ички бозор экспортёрлари ва мамлакатга ташриф буюраётган сайёҳ, инвесторлар ўзи учун қизиқарли, фойдали маҳаллани танлаш, унга билвосита ташриф буюриш имкониятига эга бўлади. Зеро, бугунги глобаллашув шароитида рекламасиз ва рақамлашмасдан туриб ҳеч бир соҳани жадал ривожлантириш, талаб ва таклифни тўғри баҳолаш, шаффофликни таъминлаш осон бўлмайди.

БИЛАСИЗМИ?

Ипотека кредити бўйича субсидия бериш бошланди

Субсидия олишга 18 ёшга тўлган фуқаролар мурожаат қилишлари мумкин. Субсидия даромади юқори бўлмаган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оилаларга белгиланган ижтимоий мезонлар асосида берилди.

Хужжатга кўра, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 2, 7 бараваридан (2 млн. 646 минг сўм) 8 бараваригача (7 млн. 840 минг сўмгача); Тошкент шаҳрида белгиланган МХТЭКМнинг 2, 7 бараваридан (2 млн. 646 минг сўм) 9,2 бараваригача (9 млн. 16 минг сўмгача) бўлган оилалар юқори даромадга эга эмас, деярли эътироф этилади.

Субсидия учун ариза юбориш тартибига кўра, фуқаролар ипотека кредитлари бўйича субсидия олиш учун «my.gov.uz» портали орқали электрон тарзда ариза юборишлари мумкин.

Мурожаатчи «my.gov.uz» порталнинг «Менинг аризаларим» бўлимига келиб тушган ижобий хабарномадан сўнг жавобда кўрсатилган уй-жойнинг юқори қийматидан ошмаган қийматдаги уй-жойни ипотека кредити орқали сотиб олиш юзасидан қурилиш (пудрат)ташкilotи билан шартнома тузади.

Субсидиялар бир оилга (оила аъзоларининг биттасига) фақат 1 марта берилди.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Дафн нафақасининг миқдори қанча?

Ўқтам СОИПОВ, Кўкдала туманидаги «Кумдарё» маҳалласи раиси:

— Иссиқ жонмиз, маҳаллада яшовчилар орасида кимдир касаллик, яна кимдир бахтсиз ҳодиса ёки бошқа сабаблар билан вафот этиши кузатилади. Бундай пайтда фуқаролар йиғини бошига ташвиш тушган оилаларни имкон қадар қўллаб-қувватлайди. Бу вазиятда давлат ҳисобидан бир марталик дафн этиш нафақаси тўланади. Айрим ҳолларда вафот этган киши бирор ташкилотда ишласа, моддий ёрдам ажратилади. Шу ҳақда тўлиқроқ маълумот берсангиз...

Нозимжон Жўраев, Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлим бошлиғи:

— Дарҳақиқат, шундай. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 25 февралдаги «Ўлимни қайд қилиш билан боғлиқ композит давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига асосан, дафн этиш учун нафақа вафот этган шахснинг эри (хотини), ота-онаси, фарзандлари ва бошқа қариндошларига ёки қонуний вакилига, улар бўлмаганда эса дафн этишни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олган бошқа шахсга берилди.

Пенсия жамғармаси ҳар ойнинг 5-санасига қадар ўтган ойда ушбу ҳудудда тўланган дафн этиш учун нафақаларнинг умумий миқдоридан кам бўлмаган миқдордаги маблағларни Халқ банкининг ҳисобварағига молиялаштиради. Ариза берувчилар ФХДЁ бўлими томонидан ўлим ҳақидаги гербли гувоҳнома ёки тиббиёт муассасаси томонидан берилган QR-код (матрик штрихли код) қўйилган ўлим ҳақидаги маълумотнома ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатларини кўрсатган ҳолда, ўлим ҳолати қайд қилингандан бошлаб 60 кун муддат ичида дафн этиш учун нафақа пулини олиш мақсадида Халқ банкининг исталган филиалига мурожаат қилиши мумкин.

Дафн этиш учун нафақа ФХДЁ бўлими томонидан ўлим ҳақидаги гербли гувоҳнома ёки тиббиёт муассасаси томонидан QR-код (матрик штрихли код) қўйилган ўлим ҳақидаги маълумотнома берилган жисмоний шахсларга тўланади. Нафақа қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ишончнома орқали ҳам тўлаши мумкин. Бундай турдаги нафақа миқдори пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдорининг (ҳозирда 347 000 сўм) тўрт бараварини (1 388 000 сўм) ташкил этади.

Дафн этиш нафақасини олиш учун мурожаат қилган шахс бунга ҳуқуқи бўлма, суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса, нафақани олиш учун фуқаронинг ўлими қайд қилингандан бошлаб 60 кундан кейин мурожаат қилса, нафақа тўлаш рад этилади.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, вафот этган шахс бирорта ташкилотда ишлаётган бўлса, иш берувчи вафот этган ходимнинг оила аъзоларига ёки оила аъзоларининг вафоти муносабати билан ходимга моддий ёрдам кўрсатишга ҳақли. Бундай ёрдамнинг миқдори чекланмаган ва ташкилотнинг ички ҳужжатлари билан тартибга солинади. Бироқ шуни ҳисобга олиш жоизки, моддий ёрдамнинг миқдори меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг (ҳозирда 980 000 сўм) 4,22 бараваридан (4 135 600 сўм) ошмаган тақдирда, уни олувчи даромад солиғи тўлашдан озод этилади.

ВАЗИЯТ

«Муаммолар ўз-ўзидан ҳал бўлмайди»

Йиғинимиздаги 423 та хонадонда истиқомат қиладиган 1 768 нафар аҳолини бир неча йиллардан буён йиғилиб қолган муаммолар қийнаб келаётган эди. Озгина ёғингарчилик бўлса, одамлар электр токидаги узилишлардан безор бўлиб қолганди.



Маҳмуд ОТАЕВ,
Қизилтепа туманидаги «Арабхона» маҳалласи раиси.

Электр симлари улама-улама бўлиб, озгина шамол эсса уларни узиб юборар, оқибатда ҳафталаб ёруғликсиз қолиб кетардик. Йўлларни-ку, айтмаса ҳам бўлади. Ички йўллар таъмирталаб ҳолга келиб қолганди. Айтиш муаммолар анча вақтдан буён ечимини кутиб турганди...

Жорий йилда ҳудудий дастур доирасида ички йўллар таъмирланиб, шағал ётқизилди. Ҳудуддаги эскириб, қулаш арафасига келиб қолган симёғочлар янги бетон устунларга, электр симлари замонавий кабелларга алмаштирилди. Шунингдек, маҳалла инфратузилмасини яхшилаш мақсадида йиғин ҳудуди ободонлаштирилиб, аҳоли уйлари таъмирланди, ариқлар тозаланди.

Ҳудуд экофаунасини яхшилаш учун «Яшил макон» умуммиллий дастури доирасида иқлим шароитига мос турли мевали, манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди. Яхши ниятлар билан экилган ушбу кўчатлар келажакда ҳудуд кўркига кўрк қўшиш баробарида, мевалари билан аҳолини баҳраманд этади.

Маҳаллада эҳтиёжманд, кам таъминланган аҳоли ҳолидан мунтазам хабар олиб турилади. Уларнинг муаммоларини ўрганиб, имкон қадар марожаатларига ечим топяпмиз. Шу аснода 14 та эҳтиёж-

манд оиланинг уйлари таъмирлаб берилди. Яшашга яроқсиз ҳолга келиб қолганлари бузиб ташланиб, ўрнида янги уйлар қурилди.

Айтиш керакки, аҳолини камбағалликдан чиқариш, уларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш борасида бир қанча хайрли амаллар бажарилди. Йил бошида ўтқазилган хатловда 100 нафар ишсиз фуқаро аниқланган бўлса, бугунги кунга келиб уларнинг аксарияти ишли бўлди. Ҳоким ёрдамчиси тавсияси билан тадбиркорлик қилиш, оилавий бизнесини йўлга қўйиши учун 8 нафар фуқарога 168 миллион сўм имтиёзли кредит маблағлари ажратилиб, 80 дан ортиқ бўш иш ўринлари яратилди. Арабхона кўчасида истиқомат қилувчи Манзура Шомуродова 33 миллион сўм имтиёзли кредит эвазига тикув машинани олиб, уйда чеварчилик фаолиятини йўлга қўйди. Шунингдек, деҳқончилик қилиш истагида бўлган фуқароларга аукцион орқали ер олиб берилиб, фаолиятини бошлашига кўмаклашиляпти.

Эндиликда аҳоли билан маслаҳатлашган ҳолда, таъмирталаб йўлларнинг қолган қисмини асфальтлаш учун «Ташаббусли бюджет»нинг кейинги босқичига лойиҳа киритмоқчимиз. Бир чеккада қараб тураверсак, муаммоларимиз ўз-ўзидан ҳал бўлиб қолмайди. Бунинг учун бир куч, аҳоли билан бир тан бўлиб ҳаракат қилсак, албатта, муаммоларимиз ўз ечимини топади.



БИЛАСИЗМИ?

Майнинг фаолияти қуёш энергияси билан амалга оширилади

«Майнинг фаолиятини амалга ошириш учун рухсатнома бериш тартиби тўғрисида»ги Низом Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилди. Низом билан Ўзбекистон ҳудудда майнинг фаолиятини амалга ошириш учун рухсатнома бериш ҳамда фаолиятни ташкил этиш тартиби белгиланди.

Унга кўра, майнинг фақат юридик шахс томонидан қуёш фотоэлектр станциялари орқали ишлаб чиқарилган электр энергиясидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Майнерлар истеъмол қилинган электр энергиясини ҳисобга олиш ускунасини ўрнатиб, ягона электр энергетика тизимига уланиши мумкин. Майнерлар ўз фаолиятини фақат рўйхатга олинган пайтда кўрсатилган манзилда, ёнғин хавфсизлиги ҳамда санитария нормалари ва қоидаларига риоя қилган ҳолда амалга ошириш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон ҳудудда қуйидагиларни амалга ошириш тақиқланади:

- яширин майнингни;
- аноним крипто-активлар майнингини;
- рўйхатга олинган пайтда кўрсатилган манзилга мос келмайдиган манзилда майнингни;
- рухсатномасиз майнингни.

Майнерлар майнингни амалга ошириш натижасида олинган крипто-активларни Ўзбекистонда крипто-активлар айланмаси соҳасидаги хизматлар провайдерлари фаолияти билан шуғулланиш учун лицензияга эга бўлган крипто-биржалар орқали сотишга ҳақли.

Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги (ваколатли орган) раҳбари томонидан тасдиқланган эксперт комиссияси тақдим этилган аризани 15 кунда кўриб чиқади ҳамда рухсатнома бериш ёки беришни рад этиш тўғрисида ҳулоса тайёрлайди.

Ваколатли орган эксперт комиссиясининг ҳулосаси асосида 5 кун ичида рухсатнома бериш ёки беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади. Рухсатнома ваколатли орган томонидан қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир кун ичида QR-код (матрикс штрихли код) қўйилган ҳолда электрон ҳужжат тарзида расмийлаштирилади.

Аризани кўриб чиқиш ҳамда рухсатнома расмийлаштириш учун йиғин ундирилмайди. Рухсатнома 5 йил муддатга берилади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

11 ноябрь дам олиш куними ёки иш куни?

Панжи ТУРОПОВ, Ҳузур туманидаги «Эски боғ» маҳалласи раиси:

— Одатда кўпгина ташкилотларда байрам арафасида иш куни камида бир соатга қисқартирилади. Маҳалладошимиз хусусий корхонада ишлайди, иш берувчи хусусий ташкилотда бу масалани раҳбарият ўз хоҳишига кўра ҳал қилишини айтиб, байрам арафасида эртaroқ жавоб бермаётган экан. Иш берувчи ҳақми? Яна бир масала бизни қизиқтиряпти: аввалроқ 11 ноябрь — Касаба ходимлари куни дам олиш кунлари тоифасига киритилиши айтилганди. Шу ҳақда ҳам маълумот берсангиз...

Ленара ҲИКМАТОВА,
«Норма» эксперти, ҳуқуқшунос:

— Юқоридаги вазиятда иш берувчи ноҳақ. Меҳнат қонунчилиги қуйидагиларга татбиқ қилинади:

• мулкчилик шакли ва идоравий мансублигидан қатъи назар, шу жумладан чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ёки

уларнинг иштирокида тузилган ёки таъсис этилган ташкилотлар, халқаро ташкилотлар ва хорижий юридик шахслар;

• филиаллар, ваколатхоналар ёки ташкилотларнинг бошқа алоҳида бўлинмалари;

• иш берувчилар — жисмоний шахслар.

Меҳнат кодексининг 187-моддасига кўра, ишланмайдиган байрам кунлари арафасида ҳар кунлик ишнинг (сменанинг) давомийлиги барча ходимлар учун камида бир соатга қисқартирилади. Ишланмайдиган байрам кунлари буйича тартиб Меҳнат кодексининг 208-моддасида белгиланган.

Байрамдан олдинги кун ишнинг (сменанинг) давомийлигини қисқартириш имкони бўлмаган узлуксиз ишлайдиган ташкилотлар ва айрим турдаги ишлар учун истисно назарда тутилган. Аммо бундай ҳолатларда иш берувчи ортиқча ишлаганлик учун қўшимча розилиги билан иш вақтидан ташқари иш учун белгиланган нормалар буйича ҳақ тўлаш орқали компенсация қилиши керак.

Агар Меҳнат кодексининг талаблари бажарилмаса, бу меҳнат қонунчилигининг бузилиши, деб баҳоланади ва иш берувчи-

нинг айбдор мансабдор шахси БҲМнинг 5 бараваридан 10 бараваригача миқдорда маъмурий жаримага тортилади.

Саволнинг иккинчи қисмига келсак, чиндан ҳам, 2020 йил 23 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Касаба уюшмалари кунини белгилаш тўғрисида»ги қонун билан 11 ноябрь — Ўзбекистон Республикаси касаба уюшмалари куни деб белгиланган. Аммо 2022 йил 28 октябрда тасдиқланган янги Меҳнат кодексига кўра, бу кун ишланмайдиган байрам кунлари сирасига киритилмаган.

2022 йил 11 ноябрь куни Президент касаба уюшмаси ходимларини касб байрами билан табриклаб, ушбу кунга бағишланган янги дам олиш кунини жорий этишни таклиф қилди. Бунинг учун қонун билан Меҳнат кодексига тегишли қўшимча киритиш керак (Меҳнат кодексининг 208-моддасидаги давлат байрамлари рўйхати). Бундай қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган ва Олий Мажлисда муҳокама қилинган, аммо шу кунгача эълон қилинмаган, демек, кучга кирмаган. Шундай қилиб, 11 ноябрь — ҳали ҳам иш куни, бу кун ҳали қонун билан дам олиш куни сифатида тасдиқланмаган.

ХОЛАТ

«Ташаббусли бюджет»га лойиҳани қўя олмаяпмиз, чунки...»

Йиғинимиз туман марказидан 8 километр узоқликда жойлашган. Худуд чеккароқ бўлгани сабабли аҳолининг аксарияти деҳқончилик ва чорвачилик ортидан кун кўради. Утган йиллар мобайнида маҳалла ўзгача қиёфага кирди. Йиғилиб қолган муаммолар ечимини топди, аҳолининг яшаш шароити яхшиланди.

Муродбек БОБОЖОНОВ,
Ҳазорасп туманидаги
«Оқ майдон» маҳалласи раиси.

Маҳалладаги 781 та хонадонда 4 445 нафар аҳоли истиқомат қилади. Очиғи, йиғинда кўпгина муаммолар ҳал этилмади, аҳолининг тинка-мадорини қуритганди. Жумладан, ички йўллар ёзда тупроқ, қишда лой бўлиб кетар, одамлар ҳаракатланишга қийналарди.

Тоза ичимлик сувнинг йўқлиги яна бир оғриқли масала эди. Аҳоли сувни қўшни маҳаллалардан ташиб келишарди, йўлларнинг ёмонлиги бир машаққатга минг машаққат қўшарди. Қисқаси, худуд эътибордан четда қолиб кетган эди...

Шукрки, маҳалламиз 2021 йилда «Обод маҳалла» дастурига киритилиб, аҳолини қийнаб келатган муаммолар ечимини топа бошлади.

Дастур бўйича ички йўллар таъмирланиб, 24 километр масо-

фада шағал, 4 километр қисмига асфальт ётқизилди. Бу орқали аҳолини қийнаб келатган лой йўллар тарихда қолди. Энди одамлар текис ва раво йўллардан бемалол фойдаланишади.

Шунингдек, ҳомийлар кўмаги билан таъмирталаб ҳолга келиб қолган Оқ майдон кўчасидаги 1,5 километр йўлга асфальт ётқизилди. Дастур доирасида аҳолини қийнаб келатган яна бир муаммо — тоза ичимлик сув масаласи ҳал этилди. 23 километр масофада қувур ётқизирилиб, одамларнинг оби-ҳаётга бўлган эҳтиёжи қондирилди. Ҳар бир хонадонга ичимлик сув кириб борди.

Муддатини ўтаб бўлган эски симёғочлар алмаштирилиб, ўрнига янги темир-бетон устунлар ўрнатилди. Электр симлари янги юқори кучланишга бардошли электр кабелларига алмаштирилди. Аҳоли ўсиши ҳисобига етарли даражада ток етказиб беролмаётган трансформаторлар таъмирланиб, иккита юқори кучланишга эга янги трансформатор ўрнатиб берилди.



Бундан ташқари, йиғинда кам таъминланган, кўмакка муҳтож оилалар ҳолидан хабар олиниб, уларга турли ёрдамлар кўрсатиб келинади. Жумладан, икки нафар кам таъминланган оиланинг эски уйлари бузиб ташланиб, ўрнида янги уй қад ростлади. Шунингдек, тадбиркорлик қилиш истагида бўлганларга аукцион орқали 15-30 сотихдан ер ажратилиб, деҳқончилик қилишига кўмаклашилди. Хусусан, Маърифат кўчасида истиқомат қилувчи Малоҳат Матжоновна 15 сотихли ердан мўмайгина даромад қилмоқда. У эрта баҳорда ерига буғдой экиб, ҳосилдан сўнг иккинчи экин сифатида сабзи етиштириб, деҳқончилик ортидан оиласи даромадига қўшимча даромад киритмоқда.

Муаммоларга келадиган бўлсак, тош йўлларимизни асфальт қилиш бўйича лойиҳани, икки йилдирки, «Ташаббусли бюджет»га қўя олмаяпмиз. Сабаби, «Обод маҳалла» дастурига тушган маҳаллалар 5 йилдан сўнггина шундай лойиҳаларда иштирок эта олар экан. Шу боис лойиҳаларимизни тайёр қилиб турибмиз. Белгиланган вақт тугаши билан «Ташаббусли бюджет»га лойиҳамизни қўйиш орқали йўлларимизни асфальт қиламиз.

БАНДЛИК

«Ҳар жабҳада фаолликка интиляпмиз»



Маҳалламиз 21 та кўчадан иборат. 1 056 та хонадонда 5 725 нафар аҳоли истиқомат қилади. Йиғин ишлаб чиқариш ва савдо-сотикқа ихтисослашган. Шунга кўра, одамларнинг аксарияти ана шу тармоқларда банд.

Равшанбек ЁҚУБОВ,
Ҳазорасп туманидаги
«Наврўз» маҳалласи раиси.

Йил бошида ўтказилган хатловда 105 нафар ишсиз фуқаро аниқланган бўлса, ҳозирда улардан 73 нафарининг бандлиги таъминланди. Қолган 32 нафарини доимий ва кунлик ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жойлаштириш ҳаракатидамиз.

Айтиш керакки, худудда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолининг даромад манбаини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу аснода тадбиркорлик қилиш ва тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш истагида бўлган 83 нафар фуқарога 2 млрд. 560 млн. сўм имтиёзли кредит маблағлари ажратил-

ди. Бу орқали уларнинг ўзини ўзи банд қилиши ва бизнес фаолиятини йўлга қўйишига кўмаклашилди.

Наврўз кўчасида истиқомат қилувчи Шоҳрух Эгамбердиев 33 миллион сўм имтиёзли кредит эвазига сартарошхона, новвойхона, озиқ-овқат дўкони фаолиятини йўлга қўйиб, 18 нафар фуқарони доимий иш билан таъминлади. У етиштиратган нон ва нон маҳсулотлари йиғин аҳолининг эҳтиёжини қондириб келмоқда.

Ҳамдам Ниёзметов 165 миллион сўм имтиёзли кредит ҳисобидан тикувчилик цехи фаолиятини йўлга қўйиб, 24 нафар ишсиз аҳолининг доимий бандлигини таъминлади. Бу тадбиркоримиз нафақат маҳаллий бозорларга, балки қўшни давлатларга ҳам кийим-кечак маҳсулотларини етказиб беришни йўлга қўйган.

Ижтимоий дафтарларга киритилган фуқаролар билан тизимли ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, 36 нафар хотин-қизга имтиёзли кредит эвазига тикув машиналари олиб берилиб, ўзини ўзи банд қилишига кўмаклашилди. Бугун улар ўз уйларида оилавий че-

варчилик фаолиятини йўлга қўйиб, рўзғорига қўшимча даромад киритяпти. Шунингдек, «Аёллар дафтари»га киритилган 177 нафар хотин-қизнинг барчасига амалий ёрдам кўрсатилди. Дафтарнинг 1-тоифасига киритилган 19 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож аёлларнинг бандлиги таъминланди. 15 нафари эса ўзини ўзи банд қилган шахслар сифатида рўйхатдан ўтди. Тадбиркорлик қилиш истагида бўлган аёлларнинг 8 нафарига 252 млн. сўм имтиёзли кредит асосида қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга мослашган асбоб-ускуналар олиб берилиб, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишига кўмаклашилди. 38 нафарига «Аёллар дафтари жамғармаси» ҳисобидан бир марталик моддий ёрдам кўрсатилди.

Қолаверса, «Ёшлар дафтари»га киритилган 23 нафар йигит-қизнинг 14 нафарига ўқиш учун тўлов-контракт пуллари тўланди. 2 нафарига бир марталик моддий ёрдам кўрсатилди. 3 нафарига субсидия асосида тикув машиналари, 2 нафарига мотокультиватор ва яна 2 нафарига ҳайдовчилик гувоҳномасига ўқиши учун ёрдам берилди.

Бундан ташқари, йиғиндаги ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оилаларга субсидия асосида турли асбоб-ускуналар олиб берилди. Бу орқали улар деҳқончилик қилиши, устачилик, хунурмандлик билан шуғулланиш имкониятига эга бўлди. Шунингдек,

Йиғиндаги барча аҳоли ҳолидан мунтазам хабар олиб, баҳолиқудрат кўмаклашишга ҳаракат қиляпмиз. Яқинда соғлиғида муаммоси бўлган, оилавий шароити яхши бўлмаган 56 нафар фуқарога «Саховат ва кўмак» жамғармаси ҳисобидан бир марталик моддий ёрдам кўрсатдик. Бу каби амалий кўмак ишлари айни кунларда давом эттириляпти.

БИЛАСИЗМИ?

9 ойда қанча дарахт ноқонуний кесилди?

Ўзбекистонда жорий йилнинг 9 ойида дарахтларнинг ноқонуний кесилиши билан боғлиқ 2 427 та ҳуқуқбузарлик ҳолати қайд этилиб, шундан 714 туп қимматбаҳо дарахтлар ноқонуний кесилишига йўл қўйилган. Бу ҳақда Бош прокуратура хабар берди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоби»га киритилган ўсимликлар режасиз ва назоратсиз йиғиб олиниши натижасида табиий захиралар ва популяцияларининг ўсиш майдонлари қисқариши кузатилмоқда. Масалан, Сурхондарё вилояти «Боботоғ» давлат ўрмон хўжалиги ҳудудида июль-сентябрь ойларида 11 550 туп табиий ҳолда ўсвучи тожик кавраги доривор ўсимлиги ноқонуний кесилиб, табиатга 5,7 млрд. сўм зарар етказилган. Ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари ўтказилмоқда.

Бундан ташқари, ўрмон фонди ер участкаларини қонунчилик ҳужжатлари талабларига зид равишда ижарага бериш ҳолатлари аниқланиб, 18 та жиноят, 46 та маъмурий ва 23 та интизомий ишлар қўзғатилди ҳамда ноқонуний эгалланган 1539 гектар ерлар ўрмон фонди ҳисобига қайтарилди.

Эслатиб ўтамиз, дарахтлар ва буталарни кесилган мораторийнинг амал қилиши муддатсиз даврга узайтирилган. Мораторий даврида амалдаги чеклов ва мажбуриятлар билан бирга қўшимча равишда ҳуқуқбузарларга мораторий талабларини бузганлик учун маъмурий жарималар миқдори 5 бараварга, дарахтлар ва буталарни кесилган ва шикастлантириш билан етказилган зарар учун ундириш суммалари 2 бараварга оширилган ҳолда қўлланилади. Қолаверса, юридик ва жисмоний шахсларга ҳар бир кесилган дарахт ва бута учун компенсация тарзида 10 туп қимматлиги жиҳатидан кесилган дарахт ва буталардан кам бўлмаган йирик ўлчамли (дарахт — 5 йиллик, бута — 3 йиллик) кўчатни экиш ҳамда уларни камида 2 йил давомида парвариш қилиш бўйича қўшимча мажбурият юклатилади.



«Суғориш тизими анча эскирган...»

Бизнинг маҳалла шаҳар марказида жойлашган. Бу ерда маъмурий бинолар кўп. 5 та мактаб, 1 та боғча, 2 та олий таълим муассасаси ҳам бор.

Шухрат БЕКМЕТОВ, Урганч шаҳридаги «Мустақиллик» маҳалласи раиси.

Маҳаллада ўзгаришлар катта. Барча ички кўчалар асфальтланди. 3 та кўп қаватли уй қурилиб фойдаланишга топширилди. Яна 4 тасининг қурилиши давом этмокда. Бунёдкорлик ишлари натижасида кўплаб аҳоли ишли бўляпти. Аини пайтда ўттизга яқин маҳалладошимиз «дом» қурилишида банд.

Тадбиркорлар сафи ҳам кенгайиб, аҳолига қулайликлар яратилмокда. Аиниқса, автомобилларга сервис хизмат кўрсатиш, компьютер хизматлари, саргарошхона, новвойхона, этикдўз йўналиши анча ривожланди. Аини шу соҳаларга кизиқиши бор 30 нафарга яқин ёшларни «устоз-шоғирд» асосида бириктириб қўйганмиз. Улар тез орада тажриба орттириб, мустақил иш бошлашади. 24 нафар хотин-қизга ўзини ўзи банд қилишлари учун тикув машинаси ва қандолатчилик учун минипечлар берилди.

Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида 21 та тадбиркорга 708,7 миллион сўм кредит ажратилди. Хусусан, 7 нафарига тикувчилик фаолиятини ташкил этиш учун 118,6 млн. сўм, 2 нафарига асаларичилик учун 640

млн. сўм, 12 нафарига хизмат кўрсатиш соҳалари учун 541 млн. сўм имтиёзли кредит берилди. 42 нафар фуқаро ўзини ўзи банд қилди.

Шунингдек, «Оташ инвест сервис» корхонаси 220 миллион сўм имтиёзли кредит асосида қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ускуналари харид қилиб, ишлаб чиқариш қувватини оширди. Натижада кўшимча 10 нафар фуқаро доимий иш ўрни билан таъминланди.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож аёллар рўйхати шакллантирилиб, 170 нафари «Аёллар дафтари»га киритилди. Улардан 17 нафари доимий ишга жойлаштирилган бўлса, 8 нафарига тадбиркорликни ривожлантириш учун 135 млн. сўм имтиёзли кредит ажратилди. Ногиронлиги бор, боқувчисини йўқотган, фарзандлари ногирон аёлларга 100 млн. сўм кредит берилди.

Бундан ташқари, кекса, касалманд, ёлғиз яшовчи фуқаролар ҳолидан доимий хабар олиниб, турли хилдаги озик-овқат маҳсулотлари етказиб берилмокда. 2 та хонадон томи шифер қилиниб, 4 та хонадоннинг ички қисми таъмирлаб берилди. 1 та кам даромадли оилага қуёш батареяси ўрнатилди.

Ёшларнинг вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида шахмат, шашка, футбол, волейбол тўғараклари ташкил этилиб, турли тадбир ва спорт мусобақалари ўтказиб келинмокда.

Таклифим: маҳаллада суғориш тизими анча эскирган. Агар ирригация тизими яхшиланса, маҳалла янада обод бўлиб, яшиллик майдонлари кенгайган бўларди.

қулайлик

«Эскирган лифт хавфсиз бўлмайди»

Маҳалламиздаги 1 179 та хонадонда 4 618 нафар аҳоли яшайди. «Маҳалла бешлиги»нинг бош мақсади – аҳоли турмуш тарзини яхшилаш ҳамда қулай шароитлар яратишдан иборат.

Рустам ҲОШИМОВ, Бектемир туманидаги «Миришкор» маҳалласи раиси.

Биринчи навбатда, аҳолининг кечаю кундуз бемалол ҳаракатланишлари учун ички кўчаларимиз асфальтлашиб, йўл четига йўлаклар ётқизилди. Маҳалламизни яшил маконга айлантириш учун 4 та артезиан қудуғи қазиб, сув чиқардик. Болажонлар учун 2 та болалар уйингоҳи қурилиб, 9 таси қайтадан таъмирланди. «Ташаббусли бюджет» орқали теннис корти ва мини футбол майдончаси қурдик.

Куз-қиш мавсумига катта тайёргарлик кўряпмиз. Шу кунга қадар барча кўп қаватли уйларнинг подвал қисмидаги эски қувурлар янгисига алмаштирилди. 3 та кўп қаватли уйнинг том қисми темир туникалар билан қопланди.

Коммунал соҳадаги энг катта

муаммо – лифтларнинг ўз муддатини ўтаб бўлганидир. Бу борада ижобий ишлар бошланди. Ҳозир 34-уйимизга янги лифт ўрнатди. Яна 7 та лифт ўрнатсак, аҳоли хавфсизлигини тўлиқ таъминлаган бўлардик.

Куни кеча пойтахтимизда «Маҳалла институтининг жамият ҳаётида тутган ўрни» мавзусида бўлиб ўтган халқаро форумда қатнашдим. Таассуротлар бир олам, катта маълумотларга эга бўлдик. Бизнинг маҳалла институти каби бошқа давлатлардаги тузилмалар тажрибаси билан танишдик. Аиниқса, Германиянинг «Гемайдени» деган тузилмаси кўпчилик маҳалла раислари каби менда ҳам катта қизиқиш уйғотди.

Таклифим: маҳалла раисларининг ана шундай ўзига хос дунё тажрибалари билан танишиши учун халқаро тажриба алмашиш тизимини йўлга қўйиш керак.



билиб қўйинг!

Аҳоли ҳар йили зилзила бўйича ўқитилади

«Аҳолини зилзилада ҳаракатланишга тайёрлаш тизимини ташкил этиш тўғрисидаги» Ҳукумат қарори қабул қилинди.

Хужжатга мувофиқ, «Аҳолини зилзилага тайёрлаш ҳафталиги» доирасида ҳар йили республикадаги барча маҳаллаларда аҳоли иштирокида зилзила билан боғлиқ фақуллодда вазиятларда хавфсизликни таъминлаш бўйича қўмондонлик-штаб, махсус-тактик ва объект ўқув машқлари ўтказиб борилади.

Миллий электрон платформанинг ўқув режа ва дастурларига ҳар уч йилда бир мартаба, соҳадаги инновацион ёндашувларни инобатга олган ҳолда ўзгартириш киритилади.

Миллий электрон платформа орқали малака ошириш ва қайта тайёрлаш ўқув курслари фаолиятини Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда назорат қилади.

БИЛАСИЗМИ?

Тадбиркорлик субъекти қандай фарқланади?

Президентнинг 2023 йил 10 февралдаги «Тадбиркорлик субъектларини тоифаларга ажратиш мезонлари ҳамда солиқ сиёсати ва солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони 1-бандида бу саволга аниқ жавоб берилган.

1. Кичик тадбиркорлик субъектларига фаолиятдан қатъий назар барча яқка тартибдаги тадбиркорлар, микрофирмалар ва ҳамда кичик корхоналар киради.

Микрофирмалар ҳақида орада тушунтирдик. Яъни таъсисчилари (иштирокчилари) жисмоний шахслар бўлган ҳамда жами даромади календарь йил давомида 1 миллиард сўмгача бўлган тадбиркорлик субъектлари микрофирмалардир.

Кичик корхоналар деганда эса жами даромади календарь йил

давомида 1 миллиард сўмдан 10 миллиард сўмгача бўлган ҳамда таъсисчилари (иштирокчилари) юридик шахслар бўлган тадбиркорлик субъектларини тушунамиз.

2. Урта тадбиркорлик субъектлари – жами даромади календарь йил давомида 10 миллиард сўмдан 100 миллиард сўмгача бўлган тадбиркорлик субъектларидир.

3. Йирик тадбиркорлик субъектлари – жами даромади календарь йил давомида 100 миллиард сўм ва ундан юқори бўлган тадбиркорлик субъектларидир.

ЭЪТИРОФ

«Авваллари шаҳарда яшасак-да, уялардик...»



Маҳалламиз аҳолисининг асосий қисми давлат ташкилотларида ишлайди. Худудимизда 41-мактаб, 1 та болалар боғчаси мавжуд.

Раҳим НАБИЖОНОВ,
Наманган шаҳридаги
«Зарафшон» маҳалласи раиси.

Ишлаб чиқариш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва худуд инфратузилмаси ривожини жиҳатидан намунали маҳаллага айланяпти. Жумладан, 5 849 нафар фуқаро яшовчи маҳалламизда ички кўчалар асфальтланди, ичимлик сув

ва электр энергияси билан боғлиқ муаммолар ечимини топди. Худудимизда қарийб 20 йилдан ошқ даврларда бўлмаган ишлар қилинган. Авваллари шаҳар маҳалласида яшасак-да уялардик. Яроқсиз ҳолга келган асфальтлар, умуман асфальт қилинмаган кўчалар ёғинли кунларда бир аҳвол, иссиқ кунларда чанг-тўзонлар кўтарилган манзараларда кўриш мумкин эди.

Бугун маҳалла йўллари раво. Хар жиҳатдан обод масканга айланиб бормоқда. Жумладан, маҳалланинг 3 та кўчаси — Аҳси, Зарафшон тор кўчалари ва Билим кўчасининг 1 087 метр қисми асфальтланди. Юқорида таъкид-

ланган 3 кўчада 265 та хонадон бўлиб, унда 1 550 нафар аҳоли истиқомат қилади. Рақамлар бир маҳалланинг оз сонли кўчаларига тегишли. Бироқ шу манзилларда бўлаётган бунёдкорликлардан минглаб инсонлар шод.

Бундан ташқари, аксар кўчалардаги сув тармоқлари янгиланди. 60 та эски симёғочлар ўрнига бетон устунлар ўрнатилди. Ҳозирги вақтда Зарафшон кўчасидаги 50 йил олдинги сув тармоғи маҳаллий бюджет ҳисобидан янгиланяпти. Кувонарлиси, бу ишлар якунига етгач, айна кўчалар асфальтланади.

Бу хайрли ишларимизнинг бошланиши. Олдинда яна бир қатор режалар белгилаб олганмиз.

Унга кўра, яна 2 та кўча — Зарафшон ва Аҳси тор кўчалари асфальтланади. Бу ҳақда шаҳар ҳокимлигига ёзма мурожаат қилганмиз.

Ўз навбатида худудда бандликни таъминлаш, камбағалликни қисқартириш борасида аниқ режалар тузилган. Сўнгги хатловда 120 нафар ишсиз фуқаро рўйхатга олинган эди. Ҳозиргача 60 фоизи ишга жойланди. Ҳоким ёрдамчиси Фуломжон Ғофуров билан ҳамкорликда қолган фуқаролар бандлигини таъминлаш чораларини кўряпмиз. Жумладан, 6 нафар ишсиз аёлларга субсидия ҳисобидан тикув машинаси олиб берилди.

Бир нафар уй-жойга эҳтиёжманд оила вакилларига кўп қаватли хонадон совға қилинди. Бандликни таъминлашда худуддаги тадбиркорлик субъектлари катта ёрдам бермоқда. Айна пайт 32 нафар тадбиркор ўз соҳаси бўйича 100 та иш ўрни яратган.

Қилаётган ишларимиз самараси аҳоли кайфиятида акс этмоқда. Одамларимиз ислохотлардан мамун, ўзгаришларда фаол иштирок этапти.

БИЛАСИЗМИ?

Энди тиббиёт муассасалари маҳаллага ҳисобот беради

Президент томонидан имзоланган Қонун (УРҚ-870, 04.10.2023 й) билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимча киритилди.

«Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонунга киритилган ўзгартиришга кўра, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси раҳбарлари ҳар ярим йиллик якунлари бўйича тегишинча халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига ҳисобот тақдим этади.

Мазкур ҳисоботни эшитиш якунлари бўйича тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан уларнинг фаолияти самардорлигига баҳо берилади ҳамда тегишли қарор қабул қилиниб, қарор Соғлиқни сақлаш вазирлигига юборилади.

Бундан ташқари, туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларининг раҳбарлари ҳар ярим йиллик якунлари бўйича тегишинча халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига ҳисобот тақдим этади.

Мазкур ҳисоботни эшитиш якунлари бўйича тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан қарор қабул қилиниб, қарор соғлиқни сақлаш бошқаруш худудий органларига юборилади.

Шунингдек, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунга киритилган ўзгартиришга кўра, фуқаролар йиғини, тегишинча аҳоли бириктирилган, туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникалари, оилавий поликлиникалар ва оилавий шифокор пунктлари раҳбарларининг ахборотини эшитилади.

НИГОҲ

«Оғир ҳудуд»лар тобора ободлашиб боряпти



Жиззах вилоятида «Обод хонадон», «Обод кўча» ва «Обод маҳалла» мезонларини худудларда жорий этиш натижасида узоқ йиллардан бери эътибордан четда қолган, «оғир ҳудуд» тоифасига киритилган маҳаллалар обод ва кўркем масканга айланыпти.

Дилшод ОМОНОВ,
Жиззах вилояти камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси бўлим бошлиғи.

Мазкур мезонни жорий этиш мақсадида вилоятда 4 та маҳалла танлаб олинган. Улардаги ижтимоий-иқтисодий вазият ўрганилиб, коммунал ва ижтимоий соҳа объектларининг куз-қиш мавсумига тайёргарлик ҳолати яхшиланяпти.

Масалан, йўл, коммуникация тармоқлари, инфратузилма ҳолатини яхшилаш борасида жами 26 км. ички йўللарга асфальт ва цемент-бетон қопламаси ётқизиш ишлари бажарилди. Аҳолига 660 та газ баллонлари (21,72 тонна) етказиб берилди. Электр таъминотини яхшилаш мақсадида 31 донга темир-бетон таянчлар ўрнатиш ҳамда 1,45 км. электр тармоқ тортиш ишлари амалга оширилди. Ичимлик сув таъминотини яхшилаш борасида 1,3 км. масофага янги тармоқ тортилди.

Коммунал хўжалиги соҳасини яхшилаш бўйича Бахмал туманидаги «Мўғол» маҳалласи, Шароф Рашидов туманидаги «Янги диёр» маҳалласи, Пахтакор туманидаги «Олмазор» маҳалласи ва Зафаробод туманидаги «Самарқанд»

маҳаллаларида жойлашган кўп қаватли уйларнинг том қисмларини, ертўла қисмидаги муҳандислик-коммуникациялари мукамал таъмирланяпти.

Бундан ташқари, кредит, субсидия, бандлик, ёшлар масаласи алоҳида назоратга олинган. Шу бугунги кунга қадар тижорат банклари томонидан 19 нафар фуқаро ва тадбиркорлик субъектига 181,4 млн. сўм миқдорда кредитлар ажратилиши таъминланди. 15 нафар фуқарога қиймати 122 млн. сўм бўлган субсидия маблағлари ажратилди. 229 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди. 7 538 нафари бепул тиббий кўриқдан ўтказилди ва 50 нафарига даволаниш учун ордер берилди. Алоҳида таъкидлаш керакки, жараёнда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга моддий ва маънавий кўмак кўрсатилмоқда.

Ўз навбатида маҳалла ходимларига замонавий шарт-шароитлар яратиб бериш учун Шароф Рашидов туманидаги «Янги диёр» маҳалласи ва Зафаробод туманидаги «Самарқанд» маҳалласига янги хизмат биноси қурилмоқда. Бахмал туманидаги «Мўғол» маҳалласи ва Пахтакор туманидаги «Олмазор» маҳалласи биносидан жорий таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Маҳаллаларда аҳолининг соғлом турмуш тарзига риоя этиш, саломатлигини мустаҳкамлаш ҳамда билимларини ошириш мақсадида спортнинг бир қанча турлари бўйича мусобақалар ва китобхонлик тадбирлари, «Ёш китобхон», «Мунозара» каби интеллектуал ўйинлар ўтказиб келинмоқда.

Эътиборлиси, бунёдкорлик-ободонлаштириш ишларида ёшу қари бирдек фаол иштирок этмоқда.

«Мигрантларни қайтариш чоралари кўриляпти»



Маҳалламизда «Обод кўча», «Обод маҳалла», «Обод хонадон» мезонлари асосида ҳудуд инфратузилмасини яхшилаш бўйича кенг қўламдаги амалий ишлар бошланди. Аҳолини ўйлантириб келаётган муаммоларга ўз вақтида ва сифатли ечим топиш мақсадида Республика ишчи гуруҳи вакиллари уйма-уй юриб ўрگانишлар олиб бормоқда.

Фахриддин ЭРҚЎЗИЕВ, Жалакудук туманидаги «Кутлук» маҳалласи раиси.

Маҳалладаги 43-сонли умумтаълим мактаби ҳолати кўздан кечирилди. Қайта таъмирдан сўнг фойдаланишга топширилиши режалаштирилган мазкур ўқув даргоҳида бошланган иш жараёни, келгусида амалга ошириладиган қурилиш ишлари билан яқиндан танишилди. Ҳозиргача бу ерда белгиланган ишларнинг 60 фоизи бажариб бўлинди. Мактаб капитал таъмирланяпти. Бундан ташқари, ҳудудимизда атига 25 ўринли биттагина хусусий боғча бор эди. Дастур бўйича давлат-хусусий шерикчилик асосида 120 ўринли замонавий боғча барпо этилмоқда.

Шунингдек, маҳалла йиғини инфратузилмаси, аҳолининг тоифалари бўйича маиший-ижтимоий шарт-шароитлари атрофлича ўрганилди. Тоза ичимлик сувга бўлган талабни қондириш, айниқса, ободончилик ишларига алоҳида ёндашилмоқда. Тараққиёт кўчасида сув сизими катта бўлган янги сувхона қурилди, сув насоси янгиланди. Туманга олинган 17 та сув насосининг биттаси шу ерга қўйилди. Тараққиёт кўчасида 4 км. тармоқ тортилди. Наво кўчасида 1 км. лик тармоқ тортиш ишлари кетяпти. Наво кўчасига янги трансформатор қўйилди. Эски симёғочлар ўрнига 105 та бетон устун ўрнатилляпти. Электр кабеллари тортиш бошланди. Тараққиёт ва Ширин кўчаларидаги симёғочлар алмаштириляпти. 11 км. масофада асфальтлаш белгиланган. Ҳозирда Наво кўчасининг 1 км.

қисми таъмирланди. Тараққиёт кўчасида 500 метр йўл асфальтланди.

Маҳалла ҳудудидаги 195 нафар меҳнат мигрантларини қайтариш чораларини тезлаштириш бўйича чора-тадбирлар белгиланган. Бунинг учун янги иш ўринлари яратиш, ҳудуддаги тикувчилик билан шуғулланадиган тадбиркорлар иши янада такомиллаштирилмоқда. Хорижда меҳнат қилаётган маҳалладошлар оиласи билан суҳбатлашиб, уларни қайтариш чоралари кўриляпти. Бунинг учун Янги кўрпа кўчасида 300 ўринли трикотаж корхонаси ишга тушириляпти. «Қашқар» маҳалласи билан туташган кўчада 200 ўринли тўқув цехи қуриляпти. Бундан ташқари мигрантларга 20 сотихдан 30 йил фойдаланиш учун ер берямиз. Тараққиёт кўчасида мева сақлайдиган музлатгич ва тикувчилик цехи қуриляпти.

2 772 нафар аҳоли истиқомат қиладиган маҳалламизда айни пайт 23 нафар ишсиз бор. Охириги хатловда 50 нафар ишсиз рўйхатга олинган эди. Юқоридаги режалар амалга ошса, умуман ишсиз одам қолмайди. Аксинча, бошқа маҳаллалардаги ишсизлар бандлигини таъминлаш имконига эга бўламиз.

Шу ўринда бир мулоҳазани айтиб ўтишни истардим. Биламизки, давлат халқ манфаати учун амалий ишларни қилади, аммо айрим маҳаллаларда баъзи бир фуқароларнинг «давлат ҳокимият қилиб беради» деган боқиманда кайфияти ҳануз йўқолгани йўқ.

Қувонарлиси, дастур доирасида мана шу каби салбий иллатни тугатиш, аҳолини бўлаётган ўзгаришларга дахлдорлигини оширишга эришилмоқда. Ободлаштириш ишларида ҳар бир хонадон эгаси, ота-оналар, хонадон катталари, ёшу қари бирдек фаоллик кўрсатмоқда. Бирга яшаётган оила, хонадон аъзолари яшаш жойларини, биринчи навбатда, маиший нуқталарни озода ва покиза сақлашга, мавжуд томорқалардан унумли фойдаланишга эътибор беришмоқда.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Тошпўлат ҲАСАНОВ,
Мирзачўл туманидаги
«Боғбон» маҳалласи раиси:

— Кунни кеча маҳалламизда яшовчи фуқаро, гарчи ёши етмаган бўлса-да, пенсияга чиқишда амалий ёрдам сўради. Айтишича, у бир неча йил пахта заводида ишлаган бўлиб, бу ерда мавсумий ишлаганлик бир йилга ўтаркан. Шу тўғрими? Яна қандай мавсумий соҳа ва тармоқларда шундай имтиёз бор?



Қандай мавсумий иш 1 йиллик стажга тенг?



Баҳриддин ЗИЁДОВ, Пенсия жамғармаси ахборот хизмати раҳбари:

— Ҳақиқатан ҳам, пахта тозалаш саноатида бир мавсум ишлаш бир йил меҳнат стажига ўтиши қонун билан белгиланган. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори билан тасиқланган Низомга мувофиқ, саноатнинг мавсумий тармоқлари ташкилотларида банд бўлган ходимларга тўлиқ мавсум мобайнидаги иш бир йилдаги иш учун, тўлиқ бўлмаган мавсум мобайнидаги иш — амалда банд бўлган давр бўйича ҳисобга олинади.

Яъни, фуқаро бир мавсум давомида пахта саноат корхоналарида пахтани қуритиш, тозалаш, юклаш ва тушириш, пневмотранспортга ортиш ҳамда қуритиш-тозалаш цехини йиғиштириш ва иситиш, ишлаб чиқариш чиқиндиларини чиқариб ташлаш каби ишларда ишлаган бўлса, тўлиқ меҳнат қилган даври бир йил меҳнат стажига ҳисобланади.

Бундан ташқари, яна тўлиқ бир мавсум ишлаш пенсия тайинлаш учун бир йил меҳнат стажига ўтадиган мавсумий ишлар ва саноатнинг мавсумий тармоқлари ҳам бор. Улар саноатнинг қанд-ша-

кар ва консерва ишлаб чиқариш тармоқлари корхоналаридаги ва ипакчилик тармоғи корхоналари ва фермер хўжаликларидagi ишлар ҳисобланади.

Ўз навбатида ипакчилик тармоғи корхоналари ва фермер хўжаликларидagi ишлар қўйидаги-ларга бўлинади:

- а) тут уруғи тайёрлаш;
- б) тут ниҳоллари ва тут қўчалари етиштириш;
- в) тут ипак қурти уруғларини инкубаторияларда жонлантириш;
- г) тут ипак қуртини парваришлаш;
- д) тирик ва қуруқ пиллани саралаш;
- е) тирик пиллани қуритиш;
- ж) пиллани қўл кучи ёрдамида ташиш;
- з) пилладан намуналар олиш (лабораторияда саралаш учун);
- и) уруғчилик корхоналарида капалакларни жинсларга ажратиш;
- к) тут ипак қурти уруғларини микротахлилдан ўтказиш;
- л) тут ипак қурти уруғларига ишлов бериш;
- м) тут ипак қурти уруғларини қишлаш давридаги ишлар;
- н) тут ипак қурти уруғларини қадоқлаш ва ёрликлаш.

БИЛАСИЗМИ?

«Парваришлаш нафақаси»ни олишга онлайн ариза топшириш мумкин

Му.gov.uz порталида ўзгалар парваришига муҳтож 18 ёшгача ногиронлиги бўлган болаларнинг парвариши билан банд қонуний вакилларга (ота-онасига) нафақа тайинлаш имконияти мавжуд.

Президент Фармони билан тасдиқланган рўйхатда 34 та касаллик тури аниқ белгиланган. Қонуний вакилларга (ота-онага) 500 минг сўм миқдорида парваришлаш нафақаси тайинланади.

Бунинг учун мурожаатчи му.gov.uz даги «Нафақа тайинлаш учун ариза бериш» хизматидан фойдаланиши ва нафақа тури сифатида «Парваришлаш нафақаси» бандини танлаб, ариза

юбориши лозим.

Хизматдан фойдаланишда ҳеч қандай ҳужжат талаб этилмайди.

Фуқаронинг нафақага бўлган ҳуқуқи тўғрисидаги маълумотлар тегишли вазирлик ва идоралар-

нинг ахборот тизимларидан электрон шаклда ЖШШИР (ПИНФЛ) орқали текширилади. Мурожаатчи нафақа тайинланганлиги ёки рад этилганлиги тўғрисида хабардор қилинади.

ТАКЛИФ

«Сериаллар оилаларни пароканда қиляпти...»

ШУ МАСАЛАЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШ МУТАСАДДИЛАР ЭЪТИБОРИДАН МУТЛАҚО ЧЕТДА ҚОЛАЁТГАНИ ЭНГ КАТТА ФОЖЕА-КУ... БУНДАЙ ТОМОШАЛАРНИ ЖАМОАТЧИЛИК ЖИМ КУЗАТИБ ТУРГАНИ ХАВОТИРЛИ ҲОЛАТ ЭМАСМИ?! АФСУС, ОДАМЛАР ОРАСИДА КИТОБХОНЛИК, ГАЗЕТХОНЛИК ТАРҒИБОТИГА КЎПРОҚ ЭЪТИБОР ҚАРАТА ОЛМАЯПМИЗ-ДА...

Кизилқум кенгликлариди жойлашган Конимех туманида бундан бир неча йил илгари меҳмон бўлган киши унинг бугунги ўзгаришларидан ҳайратга тушиши табиий. Халқнинг турмуш тарзи ҳозир мутлақо бошқача.

Эрдилла БЕКНАЗАРОВ,
Конимех туманидаги
«Юксалиш» маҳалласи раиси.

Равон йўллар, кўркам бинолар, чароғон кўчалар... Сув, электр энергияси, газ таъминотида камчиликлар йўқ. Ҳар бир маҳаллада бунёдкорлик авжида. Биргина «Юксалиш» маҳалласи буткул янги қиёфа касб этяпти.

«Обод хонадон», «Обод кўча» ва «Обод маҳалла» мезонлари асосида ҳудуд инфратузилмасини яхшилаш, аҳоли бандлигини таъминлаш борасида маҳалланинг Кумработ қишлоғида ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишларига катта эътибор қаратилди. Йиғиндаги 2185 нафар аҳолининг 316 нафари айнан шу қишлоқда истиқомат қилади.

Бунёдкорлик ишлари доирасида дастлаб аҳоли хонадонлари хатловдан ўтказилиб, кўп йиллардан буён йиғилиб келаётган муаммолар ўрганилди. Натижада тоза ичимлик суви, йўл таъмири, электр энергия ва газ таъминоти, тиббий ёрдам кўрсатиш ва бандлик масаласи билан боғлиқ кўплаб муаммолар аниқлашиб, уларни ҳал этиш юзасидан «Йўл харитаси»

ишлаб чиқилди.

Шу асосида ишлар бошлаб юборилиб, қишлоқ йўлларининг 1,5 километрга асфальт ётқизилди. Шунингдек, электр таъминотини яхшилаш мақсадида 45 та темир-бетон таянч устунни, битта трансформатор жорий таъмирланди, 2,2 километр масофага сим тортирилиб, ички кўчаларга тунги ёритиш чироқлари ўрнатилди. 1,7 километр газ қувурини бўяш ишлари амалга оширилиб, битта газ тақсимлаш пункти назоратдан ўтказилди. Тоза ичимлик сув муаммоси ижобий ҳал этилди. Олтишта хонадон ичимлик сув тармоғига уланди.

Маҳалла ҳудудидаги 9-сонли умумтаълим мактаби филиали интернет тармоғига уланди ва мактаб атрофи ободонлаштирилди. Қишлоқни намунали ҳудудга айлантириш мақсадида олиб борилаётган тадбирлар довомида ишсиз аҳолини иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратиляпти. Жумладан, 16 нафар фуқаронинг бандлигига кўмаклашилди. Шундан 5 нафар фуқаро доимий ишга жойлаштирилди, 3 нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишига жалб этилди. 8 нафар фуқаро ўзини ўзи банд қилиш бўйича рўйхатдан ўтказилди.

Аҳоли вакиллари малакали мутахассислар чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказди. Уларга 315 нафар фуқаро қамраб олинди, 97 нафариди турли касалликлар аниқланди. Тиббий кўриқдан ўтганларнинг 8 нафарига туман, 2 нафарига вилоят шифохонала-



рига даволаниш учун йўлланма берилди, 35 нафар беморга бепул дори-дармон тарқатилди.

Ободлик кўнгилдан бошланади, дейишади. Маҳалла одамлари бу ўзгаришларга нисбатан дахлдорлик ҳисси билан яшамоқда. Шу боис бунёдкорликларга ҳамоҳанг тарзда кумработликлар ўзлари яшаб турган хонадонларни тартибга келтириш, ҳовли деворларини таъмирлаш, томорқасини кўркам, чиройли қилиш учун астойдил ҳаракат қилишмоқда. Ислохотлар нафаси ҳар бир хонадонга кириб борапти.

Таклиф эмас, оғриқли масала шундаки, кейинги пайтларда телекранларда менталитетимизга мос бўлмаган турли сериаллар, ток-шоулар, ёшлар кўлидаги турли

гаджетларда беҳаё ва бемаъни, ҳатто фахшга ундовчи тасвирлар ниҳоятда кўпайиб кетди. Оиланг, фарзандларинг қаторида шу кўрсатувларни кўришга уялиб кетасан одам. Шу масалаларни тартибга солиш мутасаддилар эътиборидан мутлақо четда қолаётгани энг катта фожеа-ку... Бундай томошаларни жамоатчилик жим кузатиб тургани хавотирли ҳолат эмасми?!

Зеро, бундай маънан саёз руҳдаги кўрсатувлар маҳаллалардаги ёшлар, оилалар ҳаётида салбий таъсир ўтказиши мумкин. Турғиси, ўтказяпти ҳам. Айрим ҳолларда ёш келин-куёвлар бахтга, бойликка меҳнатсиз ҳам эришса бўлади, деган хулосага келиб қоляпти. Улар енгил, аммо охири вой бўлган ҳаётни танлай бошляпти.

Афсус, одамлар орасида китобхонлик, газетхонлик тарғиботида кўпроқ эътибор қарата олмаяпмиз-да... Ҳудудлардаги кинотеатрлар таъмирланиб, маданий тадбирлар, одамларни яхшилик, эзгуликка ундайдиган фильмлар намойиш этилишини, наҳотки бирор мутасадди ўйлаб кўрмайпти.

Менимча, бир-иккита маҳаллани ҳисобга олмасак, аксарият маҳаллаларда кутубхонага эҳтиёж бор. Мавжудларида китоб фонди у қадар бой эмас. Бу бўшлиқни тўлдирish мақсадида мослаштирилган автобус ёки фургонларга янги китобларни олиб келиб тарқатадиган ва бир муддатдан сўнг йиғиб олиб, бошқа ҳудудларга кетадиган кутубхоналар ташкил этилса, аминманки, талабгорлари оз бўлмайди.

МЕНДА САВОЛ БОР...

«Обод маҳалла», «Обод қишлоқ» ғолиблари қандай сараланади?

Тўлқин САМАДОВ,

Жондор туманидаги «Мирзаён» маҳалласи раиси:

— Эндиликда «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурларини овоз бериш орқали амалга ошириш белгиланмоқда. Бунда ҳар бир маҳалла бўйича жамоатчилик фикри асосида лойиҳалар тўплами шакллантирилади. Овоз бериш тартибидан хабардоримиз. Айтингчи, ғолиб маҳаллаларни саралаб олиш қандай бўлади? Энг кўп овоз олган ташаббуслар ғолиб деб топиладими?



Жамшид НАЗАРБОВЕВ,

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги масъул ходими:

— Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан тасдиқланган «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурларини жамоатчилик фикри асосида ташаббусли бюджетлаштириш жараёнида орқали амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низомга асосан, ғолиб маҳаллаларни аниқлаш овоз бериш жараёни бошланишидан аввал кенг жамоатчиликка эълон қилинган ҳолда қуйидаги усуллардан бири орқали:

- лойиҳалар тўпламига берилган овозлар сонидан келиб чиқиб;
- аҳолиси сони кам бўлган маҳаллаларга (қишлоқларга) тузатиш коэффициенти кўллаган ҳолда лойиҳалар тўпламига берилган овозлар сонидан келиб чиқиб амалга оширилади.

Овоз бериш жараёни яқунларига кўра, ҳар бир туман (шаҳар) учун

жамғармада шакллантирилган маблағлар доирасида энг юқори кўрсаткични эгаллаган лойиҳалар тўплами ғолиб деб топилади. Бунда лойиҳалар тўплами ғолиб деб топилиши учун камида 100 та овоз тўплаши лозим. Овозлар сони тенг бўлган тақдирда, тенг овоз тўплаган маҳаллалардан энг юқори кўрсаткични биринчи бўлиб қайд этгани ғолиб деб топилади.

Лойиҳалар тўплами таркибидаги тадбирлардан тегишли лойиҳалар тўпламига берилган овозлар сонининг 50 фоизидан юқори овоз тўплаганлари амалга оширилади. Бунда фуқаролар овоз бериш жараёнида лойиҳалар тўплами таркибидаги ҳақиқатда маҳалла учун реал муаммо бўлган тадбирларни танлаши лозим. Етарлича овоз тўплай олмаган ва ғолиб деб топилмаган маҳаллалар бўйича шакллантирилган лойиҳалар тўплами «архив» мақомига ўтказилади. Улар маҳалла раислари томонидан келгуси жараёндарда қайтадан овоз бериш жараёнига тикланиши мумкин.

Тадбирларни амалга ошириш учун талаб этиладиган маблағнинг дастлабки миқдори тегишлилигига кўра тармоқ қорхоналари хулосаси асосида лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича аниқлаштирилади. Тўпلامнинг дастлабки қийматидан келиб чиқиб, тадбирлар доирасида амалга ошириладиган ишлар (товар, хизматлар) ҳажмини камайитиришга йўл қўйилмайди.

Агар тадбирларнинг дастлабки қиймати нисбатан лойиҳа-смета ҳужжатларига кўра яқуний қиймати кўпроқни ташкил этса, мазкур ҳолатларда қўшимча маблағ тегишли лойиҳалар тўплами таркибидаги бошқа тадбирлардан иқтисод қилинган маблағлар ёки жамғармадаги мавжуд маблағлар ҳисобидан, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгаши қарорига асосан, тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетиди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан қопланади.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
хузуридаги
Ахборот ва оммавий
коммуникациялар
агентлиги томонидан
2019 йил 24 сентябрда
0019 рақами билан давлат
рўйхатидан ўтказилган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВИжодий гуруҳ:
Санжар ИСМАТОВ,
Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ,
Мансурбек ЖАББОРОВДизайнер:
Абдулазиз АҲМЕДОВ

Mahalla

Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий
газета

МУАССИС:

«Mahalla» nashriyot-matbaa uyі» МЧЖ

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри, Мустақиллик
шоҳ кўчаси, 59-уй.
Индекс: 100192
Телефонлар:
Қабулхона: 71 233-39-89,
Обуна бўлими: 71 233-10-92.
Баҳога келишилган нархда.
Нашр кўрсаткичи: 148«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри
Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Ўлчам — А3, 4 босма табоқ.
7 870 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-1018
Газета тахририят компьютер марказида
саҳифаланди ва офсет усулида босилди.